

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.71(658)*

АХМЕДОВА ФЕРУЗА ЮНУСОВНА

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ФАОЛИЯТИНИНГ
АУДИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Мутахассислик: 5А230702-«Банк ҳисоби ва аудит»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

Ш.Искандаров

ТОШКЕНТ-2016

Диссертация Тошкент молия институти «Банк ҳисоби ва аудит»
кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

Ш.Искандаров

Кафедра мудири

и.ф.н. З.Умаров

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доц. У.Ортиқов

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ФАОЛИЯТИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	10
1.1. Банк тизимида аудиторлик текшируви мазмуни ва ички аудитни ташкил қилишнинг назарий асослари.....	10
1.2. Тижорат банкларининг кредит фаолиятини аудитдан ўтказиш тартиби ва жараёнлари.....	24
1.3. Банкларнинг кредит фаолияти аудитини режалаштириш	27
Биринчи боб бўйича хулоса.....	36
II-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	38
2.1. Тижорат банклари кредит сиёсати ва унинг аудити	38
2.2. Тижорат банклари кредит портфели ва аудити.....	49
2.3. Тижорат банклари кредит операциялари ҳисоби аудити	59
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	66
III-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	67
3.1. Тижорат банклари кредит фаолиятини аудитдан ўтказиш билан боғлиқ муаммолар.....	75
3.2. Тижорат банклари кредит фаолияти аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	76
Учинчи боб бўйича хулоса.....	82
ХУЛОСА	84
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	89

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин халқимиз олдида жуда муҳим масала, яъни ўз фаровон истиқболни яратишда ва ривожланган мамлакатлар даражасига етиб боришда иқтисодий ривожланишнинг қайси йўналишини танлаш ва ушбу йўналишни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиқ этиш масаласи юзага келди. Республикамизда бозор иқтисодиётини жорий қилишда давлатимиз томонидан бир қанча иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Буларнинг натижаси ўлароқ, иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири бўлмиш банк тизимида ҳам сезиларли ўзгаришлар вужудга келди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги № ПҚ-1438 Қарорининг қабул қилиниши аҳамияти катта. Ушбу қарорда “нобанк молия ташкилотлари, кредит уюшмалари, лизинг, суғурта ва аудиторлик компанияларининг ролини янада ошириш ҳамда тармоғини ривожлантириш, халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ уларнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури ва кўламини кенгайтириш, молия бозори инфратузилмаси институтларини мустаҳкамлаш”¹ бўйича асосий йўналишлар белгиланган. Чунки банк тизимини назорат қилишда ва уларнинг капиталининг етарлилик даражасини аниқлашда аудиторлик фирмалари ва халқаро рейтинг компаниялари муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу масалага Президентимиз И.А.Каримов ўз муносабатини қуйдагича билдирган: “Аудиторлик текширувлари кўп ҳолларда юзаки ва паст профессионал даражада ўтказилади, аудит тизимининг ўз молия бозорида хали етарлича ишонч қозонган эмас”.²

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” №ПП-1438 2010 йил 26 ноябрдаги қарори

²Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелидаги ПҚ-615-Қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2007 № 15.20 б.

Шу ўринда айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз банкларида аудит ва назорат тизимида ҳали ечилмаган муаммолар талайгина ва уларни бартараф этиш республикамиз банк тизимининг ривожланишига олиб келади.

Ўтган йили банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва инвестициявий фаоллигини кенгайтириш таъминланди. Банк тизимининг жами капитали 2014-йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5-йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси қарийб 24 фоизни ташкил қилди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3-марта, банк ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2-марта кўпдир³. Ҳозирда мамлакатимизда халқаро талабларга асосланган бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг бир қанча миллий стандартлари қабул қилинган ва айримларини қабул қилиш устида иш олиб борилмоқда. Аммо мамлакатимизда бу соҳани халқаро талабларга жавоб берадиган даражага кўтариш учун кўп ишлар қилиниши лозим.

Чуқур иқтисодий ўзгаришларни юзага келтирувчи миллий банк тизимини барқарорлаштириш мақсадида охириги йилларда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Аммо тижорат банклари ва банк тизими кўрсаткичларини сифатли акс эттирадиган аудиторлик фаолиятининг назарий ва амалий асослари, аудитни амалий ташкил этиш ва аудит услубияти билан боғлиқ муаммолар тўлиқ бартараф қилинган, деб айтиб бўлмайди. Бугунги кунда тижорат банкларига аудиторлик хизматини кўрсатиш бозорида рақобат деярли мавжуд бўлмаган ҳолда, банк аудити бўйича миллий базаси жуда секинлик билан ривожланмоқда.

Ушбу магистрлик диссертацияси юқоридаги долзарб масалаларнинг ҳал қилиниши бўйича амалий таклифлар беришга қаратилган.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти бўлиб, республикамизнинг бир қатор йирик тижорат банкларининг кредит фаолияти ҳисобланади. Тадқиқот предмети - тижорат банкларининг фаолияти аудити амалга

³Каримов И.А. «2015-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси». Ўзбекистон овозигазетаси. –Т.: 2016 йил 16 январ

ошириш амалиёти ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади - тижорат банклари кредит фаолияти аудитини ўрганиш ва уни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун диссертация ишида қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- Банк тизимида аудиторлик текшируви мазмуни ва ички аудитни ташкил қилишнинг назарий асосларини очиб бериш;
- тижорат банкларида кредит фаолияти аудитини режалаштириш ва унинг босқичларини ўрганиш;
- тижорат банклари кредит сиёсати аудитини таҳлил қилиш;
- тижорат банклари кредит операциялари ҳисоби аудити ва уларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш;
- тижорат банклари кредит фаолияти аудитини амалга ошириш борасида мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш ҳамда уларни ҳал қилиш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, унда иқтисодийни модернизациялаш шароитида кредит фаолиятини аудитдан ўқизиш билан боғлиқ муаммолар очиб берилиб, уларни иқтисодий ва молиявий ечимлари асослаб берилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Олиб борилган тадқиқот натижалари банкларда кредит фаолиятининг аудитини ривожлантириш истиқболлари кўрсатиб беради.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар шарҳи. Тижорат банкларида кредит фаолияти аудитининг назарий ва амалий жиҳатлари қатор хорижлик иқтисодчи олимлар - А.Андросов, Г.Белоглазова, Л.Кроливецкая, Е.Лебедева, В.Белоцерковский, Е.Федорова, Е.Гермасимова, М.Мельник, Л.Ефремова,

Т.Купрюшина, И.Тамур, О.Богданкевич, Л.Смиронова, А.Шеремет, В.Суйцларнинг⁴ илмий изланишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.Азизов, А.Вахабов, А.Ибрагимов, Н.Ризаев, Р.Дустмурадов, Н.Каримов, З.Маматов, Ҳ.Мусаев, С.Норқобилов, У.Ортиқов, М.Тулаходжаева, Ш.Илҳомовларнинг⁵ илмий изланишларида банк операциялари ҳисоби ва аудитининг айрим масалалари ўз ифодасини топган.

Тадқиқот услублари. Магистрлик иши доирасидагуруҳлаш, такқослаш, қиёсий таҳлил ва бошқа иқтисодий-статистик усуллар қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишида келтирилган илмий хулосалари ҳамда амалий таклифлардан ички ва ташқи аудиторлик хизмати бўйича ишлаб чиқиладиган меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришда, аудит хизматлари самарадорлигини ошириш юзасидан олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларида, шу билан бир қаторда, мамлакатимиз банк тизимида аудит андозаларини халқаро аудиторлик меъёрларига мос ҳолда ишлаб чиқишда, кредит операциялари аудит текширувларининг аниқ ролини белгилашда, ички ва ташқи аудит хизматларини ташкил этиш услубиётини амалиётга татбиқ этиш ҳамда янада мукамаллаштириш масалаларида қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларидан иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларида «Банк аудити», «Тижорат банклари ички ва ташқи аудит» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишининг илмий янгилиги

⁴ Андросов А. М. «Финансовая отчетность банка: практическое руководство по организации бухгалтерского учета и отчетности». - М. : Менатеп. - Информ, 1995. - 459 с., Аудит банков. Под ред. Белоглазовой Г.Н., Кроливецкой Л.П., Лебедева Е.А., Учеб.пособие / - М. : Финансы-и статистика/, 2001. -352 с., Белоцерковский В.И., Федорова Е.А., Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебник. М-ЗАО «Издательство Экономика» 2005-294с., Гермасимова Е.Б., Мельник М.В. «Основы банковского аудита» Ўқув қўлланма/ Москва – 2008. 221 б., Ефремова Л.С., Купрюшина Т.А., Тамур И. И., Богданкевич О.А., Савчук Т.К. «Банковский аудит» /Ўқув қўлланма/ Минск-2007. 389 б., Смиронова Л. Р. Банковский аудит : Учебное пособие для вузов/ Л.Р.Смирнова; Ред. М.И.Баканов. -М: Финансы и статистика, 2001. -448 с., Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. М.ИНФРА-М, 2006.-448с.

⁵ Азизов Ш. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлаш методикасини яратиш масалалари. Т. :«Бозор, пул ва кредит», 2008. № 12., Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методикаси. Монография. Тошкент: молия, 2011. -188б., Дустмурадов Р.Д. «Аудит асослари» Дарслик «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти - 2003 й., Каримов Н. Банк тизими барқарорлигида ташқи назорат ва аудитнинг аҳамияти. Т. : «Бозор, пул ва кредит», 2006. № 1., Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истикболлари, Тошкент:ТМИ. 2004, - 348б., Мусаев Ҳ.М. «Аудит» Дарслик. – Т. : 2003,Норқобилов С, Ортиқов У, «Банк аудити». Т.: 2004- 108 б., Тулаходжаева М.М, Илҳомов Ш. И. «Аудит». Тошкент – «NORMA»-2008й.

қуйидагиларда намоён бўлади:

❖ тижорат банклари кредит фаолияти аудитининг моҳиятини илмий асосда ўрганиш натижасида аудитнинг асосий жиҳатларига хос бўлган ўзига хос хусусиятлар аниқланди;

❖ тижорат банклари кредит сиёсати аудити таҳлил қилинди;

❖ тижорат банкларининг кредит портфелини аудит қилиш усуллари тадбиқ қилинди;

❖ тижорат банклари кредит фаолияти аудитини амалга ошириш борасида мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳияти очиб берилиб, уларни ҳал қилиш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди

Тадқиқот мавзуси бўйича чоп этилган ишлар. Илмий изланиш натижаларига оид 2 та тезис чоп этилган.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертацион тадқиқот кириш қисми, уч асосий боб, хулоса қисми ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми 91 бет, 7 та расм ва 14 жадваллардан каби таркибий қисмлардан ташкил топган.

Магистрлик ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилди.

Ишнинг биринчи банк тизимида аудиторлик текшируви мазмуни ва ички аудитни ташкил қилишнинг назарий асослари очиб берилди.

Ишнинг иккинчи бобида тижорат банклари кредит амалиёти аудитининг асосий йўналишлари очиб берилади. Бунда асосий эътибор тижорат банклари кредит сиёсати ва унинг аудити, тижорат банклари кредит портфели таҳлили ва аудити ҳамда тижорат банклари кредит операциялари ҳисоби аудитига қаратилди.

Ишнинг учинчи бобида тижорат банклари кредит фаолияти аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Магистрлик ишининг хулоса қисмида тадқиқот жараёнида шакллантирилган асосий хулосалар ва ишлаб чиқилган амалий таклифлар ўзининг қисқача ифодасини топди.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТ ФАОЛИЯТИДА АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Банк тизимида аудиторлик текшируви мазмуни ва ички аудитни ташкил қилишнинг назарий асослари

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида аудит ташкилотларининг янги иқтисодий тизими юзага келмоқда. Айни пайтда, республикада аудит текширувлари молиявий хизматлардан бири сифатида тез суръатлар билан такомиллашиб бормоқда. Аудит текширувлари тизими молиявий хизматлар бозорида хўжалик юритувчи субъектларнинг талабига жавоб берадиган назорат турларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Аудитнинг мақсади – бу тижорат банклари томонидан тақдим қилинадиган ҳисоботлар ҳаққонийлиги, уларда хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолати акс эттирилиши, яққоллиги ва қонунийлиги, молиявий ҳисоботлар ҳамда бухгалтерия ҳисоби андозаларига мувофиқ эканлигини аниқлашдир.


Корхона ва ташкилотлар, тижорат банклари фаолиятини аудит қилиш ҳуқуқига фақатгина махсус сертификати мавжуд аудиторлик ташкилотлари, шунингдек алоҳида аудиторлар эга. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ва хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботлар аудит текширувларидан ўтган ҳамда аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган бўлиши ушбу ҳисоботларга қолаверса ушбу корхона ва ташкилотлар фаолиятига бўлган нисбатан юқори ишончни шакллантиради.

Банк аудиторлари куйидаги ҳуқуқларга эга:

- хамма бухгалтерия ҳужжатлари, пуллик ва бошқа ҳужжатлар, нақд пул ва кассадаги қимматли қоғозлар ва буюмларни текширишга, жавобгар шахслардан бухгалтерия ҳисоби регистрлари, смета ҳисоботлари ва бошқа пулли, ҳисоб-китоб, кредит муомалалари бўйича ҳужжатларни талаб қилишга;

- буйруқлар билан, банк бошқаруви йўриқномалари ва банк кенгаши баённомалари билан танишишга;
- ҳамма муҳим ҳужжатлар, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, алоҳида ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхасини кўрсатишни талаб қилишга;
- касса биноларини кўриш, омонатлар ва бошқа хизмат бинолари, қимматбаҳо буюмлар сақланадиган шароит ва жойларнинг маълум талабларга жавоб беришини аниқлаш мақсадида кўздан кечириш ҳуқуқларига эга.

Аудиторларнинг вазифаси банк фаолиятини текширишда қўйилган барча масалаларни аниқлашга қаратилган бўлиб, бунда асосий маъсулият шундаки банк муомалаларини нотўғри бажариш ҳолатлари аниқланган ҳолларда, жорий этилган бухгалтерия ҳисоби тартиби мижоз томонидан бузилган ҳолатларда давлат бюджети ёки банкка келтирилган зарар ҳажми ҳисоблаб чиқилиши ва жавобгар шахслардан бунинг сабаблари аниқланиши лозим.



1.1-расм. Аудиторлар фаолиятига таъсир қилувчи омиллар.⁶

⁶Тўлаходжаева М. «Организация и методы финансового контроля в Республике Узбекистан» / Автореф. дисс. докт. экон. наук. - М.: МГУ, 1998, стр.15.

Аудиторлик текширувини бошлашдан олдин текшириш учун тегишли саволлар аниқлаб олиниши лозим. Бу саволлар томонлар келишуви билан тузилади ва банк фаолиятининг ҳамма томонларини ёки алоҳида бўлимларини ўзида акс эттириши мумкин.

Банкларда аудиторлик текширувини бошлашда қуйидаги маълумотлар билан танишиш лозим: банк фаолиятининг ҳажми, ташкилотчилик раҳбарларнинг малака даражаси, умумий ички назоратнинг ташкил этилиши ва хоказолар. Шундан сўнг аудиторлик текшируви жараёнида хатолар мавжуд бўлиши кўриб чиқилади.

Банк аудити, умуман аудит ички ва ташқи аудитларга бўлинади.

Ички аудит - ички назорат тизими ва банкнинг хавфсизлик тизимини таъминлаш мақсадида олиб борилади. Банк фаолиятида омонатчилар манфаатларини химоя қилиш ва аниқ натижаларга эришиш мақсадида ички назорат тизими жорий этилади. Ички назорат тизими банкнинг иш режаси, усули ва жараёнлари, фойданинг кўпайиши ҳамда банк раҳбарияти топшириқларининг аниқ бажарилишини таъминлашни ўз ичига олади.

Ички аудит банк таркибининг ташкилотчилик бўлинмаси сифатида тан олинган бўлиб, банк раҳбариятига бўйсунди. Ички аудитнинг вазифаси турлича бўлиши мумкин: бухгалтерия ҳисобини тўғри олиб боришни текшириш; банк даромадлари ва харажатлари ҳисобининг тўғри олиб борилишини назорат қилиш (фойдани тўғри ҳисоблаш, харажатларни уз вақтида ҳисобларда акс эттириш ва бошқалар); бошқа муомалаларнинг қонуний бажарилишини назорат қилиш ва бошқалар. Ички аудитни ташкил этиш ва ўтказиш учун услубий топшириқномалар ёки йўриқномалар ишлаб чиқилиши тавсия этилади. Ушбу йуриқномалар керакли иш объектларида нималарни назорат қилишни аниқлаб беради. Ички аудит йиллик режа асосида олиб борилади. Текширувни ташкил этиш ва ўтказишда ички аудит бошлиғи тўла жавобгарликни ўз бўйнига олади. Ички аудит бошқарув назорат тизимининг бир қисми сифатида қаралади. Ички назоратнинг хусусияти тарихан ўзгарган бўлиб, аввал аудитнинг роли молиявий

бошқарув ва активлар хавфсизлигини таъминлашдан иборат эди. Назорат қийинлашган шароитда ички назорат тизимининг циклик бажарилиш жараёни аста-секинлик билан ривожланиб борди.

Ички аудитнинг вазифаси - ходимларнинг ўз вазифаларини имкон қадар сифатли ва самарали бажаришларига ёрдам беришдир. Ички аудитор бухгалтерия маълумотлари тўғрилигини текширади. Ички аудиторлар раҳбарият олдида ҳисобот беради ва аудиторлар қумитаси билан тўғри алоқада бўлади.

Ташқи аудит - юқорида айтиб ўтганимиздек мустақил аудиторлик фирмаси томонидан амалга оширилади. Унинг асосий мақсади молиявий ҳисоботнинг тўғрилигини текшириш ва у бўйича хулоса беришдан иборат. Ташқи аудит ички аудит билан ўзаро алоқада олиб борилади. Биринчи ўринда ички назорат фаолияти ва ташкилотчилиги баҳоланади, бунда ички аудитнинг объективлик даражаси, мустақиллиги, бажарилган ишлар ҳажмига эътибор қаратилади. Ташқи аудиторлар текширилаётган банкнинг умумий фаолиятини ўрганадилар. Объектив баҳолаш учун энг биринчи ўринда актив ва пассив муомалаларнинг ҳолати кўриб чиқиши, банкнинг молиявий ҳисоботи тўғри тузилганлиги ва унда акс эттирилган муомалаларнинг қонун талабларига жавоб бериши текшириб чиқиши лозим. Банкдаги аудиторлик текширувларининг объектларидан бири бу банкнинг йил якунлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботидир.

Молиявий ҳисоботнинг асосий шакли бу банкнинг баланси бўлиб, баланс актив ва пассив қисмлардан иборат. У банкнинг даромадлари ва харажатлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳамда банкнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги бошқа асосий маълумотларни ўз ичига олади.

Аудиторлар банкнинг молиявий ҳолатини таҳлил қиладилар, шу жумладан айниқса ликвидликни, кредит портфелининг сифатини, қимматли қоғозларга қўйилган инвестицияларни, валюта муомалаларини, таснифланган ссудаларга асосланган захираларни, бошқарув маълумотларини ва банк тизимини бир маромда фаолият курсатишини,

кредиторлар, омонатчилар ва мижозлар манфаатини химоя қилиш шу билан бирга соғлом банк фаолиятини ташкил қилиб бошқа маълумотларни бирма-бир таҳлил қилиб чиқади.

Банк аудитини аудитнинг бир кўриниши сифатида қуйидаги белгилар бўйича чуқурлаштириш мумкин:



1.2-расм. Банк аудитининг классификацияси⁷

Тижорат банкларида аудит олиб бориш тартиби ҳукумат қарорлари ва идоравий йўл-йўриқлар билан тартибга солиниб, фаолиятнинг муайян қирраларидаги оғишларни вақти-вақти билан назорат қилиб туради. Аудит асл ҳужжатлар ва бухгалтерия қайдлари, нақд пул воситалари қийматини диққат ва эътибор билан комплекс равишда ўрганади. Молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги бўйича ўз фикрини билдиради. Банк фаолиятини таҳлил қилади, актив ва пассивларини баҳолайди. Банкнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, инвесторлар, кредиторлар ва мижозларни жалб этиш ва самарали фаолият юритиш борасида маслаҳат беради. Аудит хулосаси барча

⁷Муаллиф томонидан тайёрланди.

жисмоний ва юридик шахслар учун, ҳокимият ва суд идоралари учун ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Бу ҳулоса матбуотда ҳам эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига асосан тижорат банклари ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишлари лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан айрим банк аудитини ўтказишга ҳуқуқи ва лицензияси бўлган ташқи аудиторлик ташкилотлари ҳозирги кунда 5 тани ташкил этади. Улардан 4 таси хорижий аудиторлик компаниялари ва 1 таси «PKF MAK ALYANS» аудиторлик ташкилоти маҳаллий аудиторлик ташкилотлари ҳисобланади.

1.1- жадвал

Банк аудитини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлган ва фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлар рўйхати⁸

№	Аудиторлик ташкилотларнинг номи
Хорижий аудиторлик ташкилотлари	
1.	«ПрайсвотерхаусКуперс» МСНЖ
2.	«Ernst & Young» МСНЖ
3.	«Deloitte & Touche» МСНЖ
4.	«Grant Thornton» МСНЖ
Маҳаллий аудиторлик ташкилотлари	
5.	«PKF MAK ALYANS» МСНЖ

Республикаимизнинг бозор муносабатларига ўтиши янги шароитда фаолият кўрсата оладиган тижорат банклари тизимини шакллантиришни тақозо этди. Мустақиллик йилларида олиб борилган ислоҳотлар натижасида турли мулкчиликка асосланган тижорат банклари тизими вужудга келди. Халқаро тажрибага таянган ҳолда банк тизимининг ислоҳ қилиниши натижасида халқаро стандартлар талабларига кўра, уларнинг бошқарув

⁸www.cbu.uz сайти маълумотларидан

инфратузилмаси, назорат тизимини шакллантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга эришилди. Базель кўмитасининг талабларига биноан банк бошқаруви фаолияти ва назорати тизимини эволюцион йўл билан такомиллаштириш борасида ягона давлат сиёсати юргизилиб, қатор меъёрий ҳужжатлар мажмуи яратилди. Натижада банк амалиётига ташқи назорат мониторинги ва мустақил аудит каби тушунчалар кириб келди.

Шу муносабати билан банк тизими ички назоратини олиб бориш, унинг шакли, усули ва услубларини танлашга, бошқарув тизими қарорлари ва молиявий ҳисоботлар текширув тизимини таъминловчи ички аудитни ташкил қилишга катта эътибор берилмоқда.

Бундай шароитда ички аудит тизими фаолиятини назорат ва бошқарув воситасига айлантиришга, унинг назарий, услубий ва ташкилий асосларини халқаро стандарт талабларига мос равишда такомиллаштиришга қаратилган фаолияти самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлаш имконияти бўлмайди.

Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида банк тизимининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни салмоқли бўлишида бошқарувнинг таркибий қисми бўлган ички аудитга назоратнинг зарур элементи сифатида ёндашиш муҳимдир. Зеро, ички аудит банкларнинг молиявий ҳолатини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолашга, бозор эҳтиёжларини аниқлаш ва шу тариқа банкларнинг иш самарадорлигини оширишда улар учун бозорда самарали рақобат муҳитини яратишда катта ёрдам беради. Тадбиркорлик фаолияти жараёнида даромад олиш, иқтисодий субъектлар ривожланишининг оптимал траекториясига эришиш учун энг мақбул воситалар зарурлиги боис, аксарият мулкдорлар ички аудит хизматининг мавжуд бўлишидан манфаатдордирлар.

Тижорат банкларида бошқарув тизими учун ички аудит фаолиятини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва афзаллик жиҳатлари қуйидагилар билан изоҳланади:

- 1) ташқи аудитга нисбатан кам харажатлиги;

- 2) қонунчиликка доимий риоя қилинишининг кафолатланиши;
- 3) ички аудиторлар хизматидан мунтазам фойдаланиш имконияти;
- 4) ички аудиторларнинг банкдаги вазиятдан, иш ва бошқарув услубидан, банкда қабул қилинган сиёсатдан хабардорлиги;
- 5) аудиторлар орқали банкбўлимларидаги юқори малакали мутахассисларнинг текширувларга жалб қилиниши;
- б) илғор технологиялар ва иш услубини жорий этишнинг рағбатлантирилишига кўмак берувчи тизим эканлиги.

Таҳлиллар кўрсатишича, ретроспектив хусусиятга эга бўлган, аудиторлик фаолияти молиявий ва хўжалик операцияларини меъёрий хужжатларга мувофиқ тўғри акс эттирилганини текширишга қаратилган бўлиб бошқарув қарорларини қабул қилиш учун етарли эмас. Бугунги кунда ахборотдан фойдаланувчилар аудиторлардан иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун асос бўла оладиган, тижорат банкининг ҳолатини акс эттирадиган маълумотни олишга умид қиладилар. Фикримизча, бозор муносабатларига ўтиш шароитида аудит жараёни, йўналиши ва усулига кўра икки йўналишдаги вазифаларни ўзида мужассам этиши лозим.

Ички аудитнинг асосий вазифаси банк бошқаруви томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлик даражаси ҳамда рискларни даромадлилик даражаси билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш, банк самарадорлигини ошириш мақсадида дастурий маҳсулотлар сифатини ҳуқуқий жиҳатдан текшириш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифларни банк бошқарувига тақдим этишдан иборат.

Қуйидаги жадвалда тижорат банкларининг ички аудит йўналишлари ва вазифаларининг гуруҳланиши кўришингиз мумкин.(1.2-жадвал).

**Тижорат банкларида ички аудит йўналишлари ва вазифаларининг
гуруҳланиши⁹**

Аудит йўналиши	Текширув усули	Ички аудитнинг вазифалари
Фаолият натижасини баҳолаш	Амалга оширилган хўжалик операцияларини баҳолаш усули	Банкнинг тадбиркорлик фаолиятини, ишончилиги ва барқарорлигини, мулкдорлар капиталининг даромадлигини баҳолаш. Банк рискларини инобатга олган ҳолда аудитдан мақсадли ва тизимли фойдаланиш.
Фаолият самарадорлигини баҳолаш	Банк фаолият кўрсатаётган иқтисодий муҳитни таҳлил қилиш ва баҳолаш	Таҳлилда текширувнинг мақсади ва услубларини аниқлаш, молиявий аҳволини баҳолаш ва ривожланиш дастурларини амалиётга татбиқ қилиш масалаларига алоҳида эътибор бериш. Активлар бутлигини ўрганиш, электрон дастурий маҳсулотлар сифатини ҳуқуқий томонларини текшириш, иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва турли масалалар бўйича маслаҳат бериш.
	Бошқарув фаолиятини баҳолаш	Менежмент функциялари ва банкнинг бошқарув сифатини баҳолаш, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш.
	Назорат фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга нисбатан ёндашув даражасини баҳолаш	Пухта ишлаб чиқилган аудит стратегияси, назорат тизимининг демократлашуви, банк даражасида аудиторлар фаолиятининг қатъий тартибга солинганлиги, аудиторлик жараёнининг сифатини назорат қилиш.

Демак, ички аудит хизматининг фаолияти икки йўналишдан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси, банк фаолияти натижаларини, иккинчиси, банк фаолияти самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Ички аудит хизмати томонидан меъёрий ҳужжатларнинг нотўғри талқин қилиниши ёки ички назорат тизими фаолиятида номутаносибликлар ҳослигини инобатга олиб, миқдорий кўрсаткичларини унинг сифат кўрсаткичлари билан таққослаш зарур.

Бунда аудитнинг ҳар бир босқичида унинг олдида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда текширув жараёнини ташкил этиш, унинг белгиларига кўра мезонлардан фойдаланиш борасида ишлаб чиқилган тавсиялар аудит самарадорлигини оширишга имкон беради.

⁹Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

**Тижорат банклари фаолиятида ички аудитнинг босқичлари, таснифлаш
белгилари ва мезонлари¹⁰**

Аудит босқичлари	Таснифлаш белгиси	Таснифлаш мезонлари
I. Режалаштириш	1. Текширув вақти	1.1. Режага кўра 1.2. Режадан ташқари
	2. Ўтказиш тури	2.1. Хужжатли 2.2. Визуал
	3. Текширув тури	3.1 Режага кўра 3.2 Режадан ташқари
	4. Услубиётига кўра	4.1 Мослик аудити 4.2 Таҳлилий текширув
	5. Такрорийлигига кўра	5.1 Узлуксиз аудит 5.2 Даврий аудит
	6. Текширув йўналишига кўра	6.1 Молиявий аудит 6.2 Бошқарув аудити 6.3 Хўжалик аудити 6.4 Ижтимоий аудит
II. Аудитни олиб бориш	1. Назорат объект-ига кўра текширув йўналишлари	1.1 Бухгалтерия ҳисоби тизими 1.2 Ички назорат тизими 1.3 Бошқарувнинг турли бўғинлари
	2. Аудиторлик текширувининг макс-ди ва ҳажмига кўра	2.1 Ташкилий аудит 2.2 Функционал аудит 2.3 Махсус аудит
	3. Аудитнинг йўналишларига кўра	3.1 Ташкилий-ҳуқуқий аудит 3.2 Молиявий-таҳлилий аудит 3.3 Компьютер аудити
	4. Мулкдор манфаатлари бўйича текширувни ташкил этиш шаклларига кўра	4.1 Молия-хўжалик фаолиятининг тўлиқ аудити 4.2 Махсус аудит 4.3 Муфассал аудиторлик текшируви 4.4 Балансни ҳисоб-таҳлилий текшириш 4.5 Асослилик ва ҳаққонийлигини тасдиқловчи текширув
	5. Хужжатларни текширишни ташкил этиш усулига кўра	5.1 Комплекс аудит 5.2 Танлаб текширишга асосланган аудит 5.3 Оралиқ аудит 5.4 Чекланган аудит 5.5 Тизимли аудит
III. Хулоса	Аудит натижаларини расмийлаштириш шаклига кўра	1. Оралиқ далолатнома билан расмийлаштирилган 2. Хулосалар билан расмийлаштирилган 3. Махсус хулоса билан расмийлаштирилган 4. Ахборотнома билан расмийлаштирилган

Банк тизимида аудиторлик фаолиятини ташкил этиш, уни амалга оширишнинг тегишли тартиб-тамоийллари ва услубиётини такомиллаштириш, ички аудитни амалга ошириш шакллари, йўналишларини аниқлаш, ҳамда унинг бошқа белгиларига кўра таснифлашни тақозо этади. Тадқиқот ишида тижорат банкларида ички аудитнинг босқичларидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш белгилари ва мезонлари аниқлаштирилган.

¹⁰Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Ички аудит хизмати томонидан меъерий ҳужжатларнинг нотўғри талқин қилиниши ёки ички назорат тизими фаолиятида номутаносибликлар ҳослигини инобатга олиб, миқдорий кўрсаткичларини унинг сифат кўрсаткичлари билан таққослаш зарур.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган стандартлардан келиб чиққан ҳолда, аудитнинг мавжуд ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, айнан ички аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир (1.4-жадвал).

1.4- жадвал

Халқаро ички аудиторлик стандартлари.¹¹

Т/р.	Стандартларнинг номи
СТАНДАРТЛАРНИНГ СИФАТ ТАВСИФЛАРИ	
1000	Мақсади, ҳуқуқи ва мажбуриятлари
1100	Мустақиллик ва объективлик
1200	Малакали ва иш жараёнига профессионал ёндашув
1300	Кафолат ва ички аудит сифатини ошириш дастури
ФАОЛИЯТ СТАНДАРТЛАРИ	
2000	Ички аудит жараёнини ташкил қилиш
2100	Ички аудит фаолиятининг моҳияти
2200	Аудит топшириғини режалаштириш
2300	Аудиторлик текширувини бажариш
2400	Текширув натижалари бўйича ҳисоботларни тақдим этиш
2500	Аудиторлик текшируви натижасида олиб борилган ҳаракатларнинг назорати
2600	Банк раҳбарияти томонидан рискларнинг қабул қилиниши

Қайд этиб ўтиш жоизки ушбу стандартларни жорий қилиш жараёнини босқичма - босқич амалга оширган ҳолда, унинг дастлабки босқичида аудит хизмати тизимидаги ҳолат ва ходимларнинг малакаларига эътибор қаратиш, кейинги босқичда эса бевосита аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш орқали амалга ошириш мумкин. Ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш, энг аввало, унинг асосини яратиш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ички назорат тизими ва усулини шакллантиришни тақозо қилади.

¹¹ Международные стандарты аудита и кодекс этики профессиональных бухгалтеров. 1999. - МЦРСБУ, 2000, стр.35.

Табиийки, ушбу сифат кўрсаткичларисиз банк тизимида жорий қилинган ички аудит фаолиятини баҳолаш мумкин эмас.

Базель қўмитасининг тавсиясига кўра, ички аудит хизмати банк фаолияти устидан муттасил назорат олиб боришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Республикамиз тижорат банкларида ички аудит хизмати муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, унинг фаолияти Марказий банк тавсиялари асосида ишлаб чиқилган “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомда текширувни ташкил этиш ва олиб бориш жараёнлари умумий кўринишда ёритиб берилган.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида ички аудит фаолияти самарадорлигини оширишга аудит қўмитаси, ташқи аудиторлар, ходимлар мустақиллиги ва малакасига бўлган талаблар каби омиллар таъсир кўрсатади.

Аудитни оқилона бошқариш учун текширув жараёнида аудит стандартларига юқоридаги тавсияларни инобатга олган ҳолда қатъий риоя қилиш талаб қилинади. Зеро, мазкур жараён қанчалик тўғри ташкил қилинса, текширув ҳам шунчалик сифатли ва самарали бўлади.

1.2. Тижорат банкларининг кредит фаолиятини аудитдан ўтказиш тартиби ва жараёнлари

Кредитлар тижорат банклари маҳсулотининг асосий тури ҳисобланиб, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг жорий ва инвестиция харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Банклар кредитлар орқали ўзларининг фаолиятини молиявий асосини яратадилар.

Кредитлаш жараёнини ташкил этишда доимо эътиборга олиниши зарур бўлган бир қатор йўналишлар ишлаб чиқилган:

Биринчидан, ҳар бир банк мижозни талаб ва мақсадларини тўлиқ таҳлил қилиб, уни қондиришга эътибор бериши керак;

Иккинчидан, банк кредит жараёнини ташкил этишда кредитни мақсади,

тури ёки таъминланишига таъллуқли бўлган масалаларни аниқлаши керак;

Учинчидан, банк кредит операциясида қатнашувчи мутахассисларини амал қилишлари лозим бўлган ҳалоллик, тартиблилик каби маънавий кадриятларни ҳам аниқлаши зарур.

Кредит ҳужжатлари йиғмажилди бўйича қуйидагилар аудитдан ўтказилади:

- кредит олиш учун берилган буюртмаларнинг махсус китобда рўйхатдан ўтказилиш тартиби;

- ажратилган кредитлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, ҳужжатларнинг тўлиқлиги, кредит қайтарилган ҳолатда ҳужжатларнинг белгиланган тартибда архивга топширилиши;

- кредитларнинг ҳар бир турига очилган аналитик ҳисобларнинг юритилиш тартиби;

- кредит бўйича ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида тўғри ҳисобланиши, уларнинг тегишли ҳисобварақларга ўз вақтида ўтказилиши;

- муддати ўтган кредитлар ҳисобини ўз вақтида бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш тартиби;

- берилган кредитлар учун талаб қилиб олинган муддатли мажбуриятномаларнинг тўлиқлиги ва уларнинг ҳисоби;

- кредит портфели текширилгандан сўнг, йўл қўйилган хатоликларни кўрсатиб бериш ҳамда уларни бартараф этиш ва кредит портфели сифатини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилиши талаб этилади.

Банк кредит фаолияти аудитининг асосий мақсади кредит операцияларини амалга оширишда ички назорат тизимининг ишончилигини баҳолашдир.

Банкларда банкнинг кредит фаолиятини аудит қилиш дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, шулардан бирини кўриб чиқамиз.

Аудитнинг бу дастури қуйидаги беш бўлимдан иборат:

- Кредит портфелининг умумий таҳлили.

- Кредит папкаларни ўрганиш.
- Кредит операциялари бўлими фаолияти.
- Кредит кўмитаси фаолияти.
- Кредит фаолияти текширувлари бўйича аудиторлик хулосаси.

1. Кредит портфелининг умумий таҳлили банк кредит портфелининг тўлиқлигини, кредит фаолияти самарадорлигининг баҳосини, банкнинг бошқа филиаллари кредит портфелининг қиёсий сифат характеристикасини таъминлайди.

Кредит портфелининг умумий таҳлили қуйдаги уч асосий қисмдан иборат:

- кредит портфелининг таҳлилида кредитларнинг жорий ҳолати, муддати, иқтисодий тармоғи, % ставкаси, таъминот тури, сифати, молиялаштириш манбаи ва кредитнинг мақсади кўриб чиқилади.

- кредит фаолияти самарадорлигининг баҳоси қуйдагиларни ўз ичига олади: актив операциялар рентабеллигининг ва кредитлар бўйича кутиладиган зарарларни қоплаш учун резервлар бўйича ҳаражатлар даражасининг таҳлили; фоизли даромадлар таркиби; резервларни шакллантириш бўйича ҳаражатлар; фоизли ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда кредит фаолиятининг рентабеллиги.

- банк филиали кредит портфелининг ҳолатини ҳуди шундай бошқа филиалларники билан таққослаш. Бу жараён кредитлаш самарадорлигининг ҳақиқий баҳосини таъминлайди.

2) Кредит папкаларини ўрганиш таҳлили қуйдаги 6 қисмдан иборат:

- кредитни расмийлаштириш кредит ҳужжатларининг қонунчилик ва ички норматив талабларга жавоб бера олиши инвентаризациясини таъминлайди.

- кредитдан фойдаланиш ссуда ҳисобварақларидаги қолдиқларнинг аниқлигини, кредит ресурслар санасининг ва уларга белгиланган фоизларнинг тўғрилигини, кредитнинг молиявий лойиҳа шартларига

мувофиқ мақсадли ишлатилганлигини текширишни таъминлайди жараён кўйдаги масалаларни ўз ичига олади:

- кредит ресурсларидан фойдаланиш санаси (даври);
- фойдаланиш суммаси;
- кредит йўналиши-қайси банкка, қайси ташкилот ҳисобрақамига, қайси ҳужжатлар асосида.
- маблағлардан мақсадли фойдаланиш.

Кредит шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши – барча мувофиқ ҳужжатларнинг вақтида банка етказилиши, бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилиши, кредит бўйича қарздорнинг тўлов мажбуриятларини амалга ошириши, кредит бўйича фоиз ва комисион ҳақларнинг тўғри ҳисобланиши.

• мониторинг-доимий кузатув бўйича функция ва лойиҳа ҳолатини, қарздор ва таъминот предметини баҳолаш:

- лойиҳанинг дастлабки мониторинги (кредитни беришгача);
- жойига бориб кредитдан мақсадли фойдаланишни текшириш;
- лойиҳани ҳар кварталда мониторинг қилиш;
- қарздорни доимий мониторинг қилиш;
- таъминотни ҳар кварталда мониторинг қилиш, йилида камида 2 марта қайта баҳолаш;

- кафил ва гарантни ҳар кварталда мониторинг қилиш;
- лойиҳа рентабеллигининг таҳлили;
- текшириш натижалари бўйича маълумотнома ва актларни тайёрлаш;
- банкнинг кредит қўмитаси томонидан қарздорнинг кредитдан мақсадсиз фойдаланганлиги, қарздор ёки кафил молиявий ҳолатининг, гаров предмети физик ҳолатининг ёмонлашган ҳолларда адекват чораларини ўз вақтида қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

• муаммоли кредитлар ва улар бўйича фоизларни ҳисобдан чиқариш бўйича масалаларини банк кредит қўмитаси томонидан ўз вақтида ҳал

этилиши бўйича қарорлар қабул қилиш.

- кредитнинг жорий ҳолати бўйича маълумотларини очиб бериш;
- ссуда ва муддати ўтган қарздорлик бўйича қолдиқ;
- қарздорнинг молиявий ҳолати;
- кредитнинг умумий сифати;
- таъминотнинг ҳолати;
- шакллантирилган резервлар суммаси.

f) кредит сифати бўйича аудиторлик хулосаси-кредит реал ҳолатининг баҳоси ва камчиликлар мавжуд бўлганда уларни тўғрилаш бўйича чоралар ишлаб чиқиш;

- кредит сифати;
- кредит риси баҳоси;
- шакллантирилган резервлар адекватлиги баҳоси;
- тавсиялар.

3) Кредит операциялар бўлими фаолияти - ички назорат тизимининг таркибий қисми бўлган жорий назоратни таъминловчи масъул банк бўлими ишининг самарадорлигини баҳолаш;

- бўлим тўғрисида низом ва ишчилар билан танишиш;
- бўлим иш режаси;
- кредит инспекторларининг мажбуриятлари;
- ишчи ва бўш ўринларнинг ҳақиқий миқдори;
- иш тартиби;
- кредит бўлими ходимларининг иш ҳажми (кредит лойиҳаларинг ходимлар ўртасида тақсимланиши);
- муаммоли кредитлар билан ишлаш самарадорлиги;
- техник ва иқтисодий ўсишларнинг даврийлиги;
- кредит ишларининг олди-берди актларининг мавжудлиги;
- назорат қилувчи органлар томонидан ташқи текширишларнинг миқдори, камчиликларни йўқотиш бўйича чораларнинг кўрилиши.

4) Кредит кўмитаси фаолияти-таркибий қисмининг ишини самарадорлигини баҳолаш, яъни банкнинг кредит функциясини назорат қилувчи масъул шахсни.

- кредит кўмита таркиби ва кредит фаолиятига қатнашиши;
- кредит кўмита мажлисини ташкил этиш тизими;
- қарорларни қабул қилишда жамоавийлик;
- кредит кўмитаси протоколларини акт қилиш ва сақлаш;
- қарздорликни 60-90 кундан ортиқ муддатга чўзилиши мавжуд бўлган ҳолларда ўстирмаслик мақомини бериш бўйича ўз вақтида қарорлар қабул қилиш;
- кредитларни қайта таснифлаш ва шакллантирилган резервлар адекватлиги бўйича қарорларни ўз вақтида қабул қилиш;
- муаммоли кредитлар ва улар бўйича фоизларни ҳисобдан чиқариш бўйича ўз вақтида қарорларни қабул қилиш.

5) Кредит фаолияти натижалари бўйича аудиторлик хулосасини тайёрлаш-текширишнинг якуний босқичи бўлиб, ички назорат тизимини ишончлилигининг якуний баҳосини чиқаришга қаратилган.

Ҳужжатларни танлама текширишда қуйидагилар зарур:

- барча ҳужжатлар йиғиндисига натижалар экстрополяциясини амалга ошириш;
- ҳужжат хатоликлари миқдорини ва умумий ҳажмдаги улушини, қиймат хатоликлари ва оборотдаги улушини ақс эттириш;
- ички назоратнинг риск даражасини баҳолаш;
- ички назорат тизимининг ишончлилигини баҳолаш;
- камчиликлар содир бўлишининг асосий сабабларини аниқлаш;
- аниқланган камчиликларни йўқотиш бўйича тавсияларни тайёрлаш.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу дастур доирасида аудиторлик текширувини амалга ошириш кредит фаолиятининг барча аҳамиятга молик бўлган жойларини тўлиқ қамраб олишини таъминлайди.

Кредит операциялари етарли даражада кўп қиррали ва мураккаб бўлиб, уларни амалга оширишда банкда бир қанча хатоликлар ва бузилишлар рўй бериши мумкин. Аудитор тижорат банклари кредит фаолиятини аудит қилишда ушбу хато ва қонунбузарликларни ўрганиб чиқиши керак. Уларни кредит ишининг алоҳида йўналиши бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- кредит ишини ташкил этишдаги хатолар;
- кредит шартномалари ва гаров операцияларини расмийлаштиришдаги хатолар;
- актив ва пассив кредит операцияларини амалга оширишдаги ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришдаги хатолар;
- ссудалар бўйича йўқотишлар учун заҳираларни ташкил қилиш ва улардан фойдаланишдаги хатолар.
- Кредит ишини ташкил этишдаги хатолар:
- банк кредит сиёсати тўғрисидаги Низомнинг йўқлиги;
- кредит операцияларини амалга оширишда лимит ва чекловларнинг ўрнатилмаганлиги;
- берилган ссудаларнинг етарлича асосланмаганлиги;
- қарздорга кредит беришда унинг молиявий ҳолати тўлиқ қилинмаганлиги;
- қарздорнинг кредит тарихи ўрганилмаганлиги;
- кредитланадиган битимда бизнес-режа ва техник-иқтисодий асос таҳлилининг қилинмаганлиги;
- кредитни беришда банк томонидан кредит рискинни баҳоламаслик;
- берилган кредитлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилмаслик;
- кредит шартномаларидан бажарилиши ва қарздор молиявий ҳолати устидан назоратнинг бўш ташкил қилинганлиги;
- берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг келиб чиқишига сабабларни таҳлил қилмаслик.

- Кредит шартномалари ва гаров операцияларини расмийлаштиришдаги хатолар:

- кредит шартномасида зарур маълумотларнинг йўқлиги;
- баъзи мижозлар кредит папкасининг тўлиқ шакллантирилмаганлиги;
- шартнома тузилганда қарздорнинг мулк объектига эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжат ва суғурта полисининг йўқлиги;

Актив ва пассив кредит операцияларини амалга оширишдаги ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришдаги хатолар:

- балансдан ташқари ҳисобрақамларда гаров предметининг нотўғри акс этиши, гаров мулки аналитик ҳисобининг йўқлиги;
- муддати ўтган кредитларни тегишли ҳисобрақамларга ўз вақтида ўтказмаслик;
- балансдан ташқари ҳисобрақамларни ўз вақтида ёпмаслик.

Кредитлаш жараёнини ташкил этиш, корхона ва ташкилотларни молиявий аҳволини таҳлил қилиш каби масалаларни тўғри амалга ошириш кредит рискинни олдини олишга, ҳамда банк кредит портфелини сифатини яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу кредит сиёсати элементларини тўғри ташкил қилинганлигини ижобий натижаси ҳисобланади.

1.3. Тижорат банклари кредит фаолияти аудитини режалаштириш

Аудитнинг самарадорлиги уни тўғри режалаштиришга бевосита боғлиқдир. Аудиторлик ташкилотлари турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятларини текширади. Ушбу фаолиятлар ўз навбатида бир-биридан фарқ қилади. Мисол учун, ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарни хўжалик жараёнлари кўп ҳолларда хом ашёларни сотиб олиш. Уларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш, тайёр маҳсулотлар олиш ва уларни сотиш билан боғлиқ бўлса, савдо билан шуғулланувчи корхоналарнинг фаолиятлари эса товарларни сотиб олиш ва қайта сотиш билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъект

фаолиятини аудит қилишга розилик бериш ва шартнома тузишдан олдин аудит режаси тузилади.

Аудитнинг режалаштирилиши ушбу жараённинг муҳим таркибий қисми бўлиб ўз ичига аудиторлик текширувини умумий ҳажмини аниқлаш, аудит дастурини тузиш, аудитда қўлланиладиган усулларни белгилаш, текшириш муддатларини кўрсатиладиган хизматларни ва аудит хатарини аниқлаш каби масалаларни ўз ичига олади. Махсус адабиётларда аудитни режалаштиришга аудитнинг стратегияси ва тактикасини аниқлаш деб ҳам эътироф этилган. Аудит стратегияси қўйилган мақсад ва вазифаларни маълум кетма-кетликда ва аниқ истикболга асосланиб бажарилишини таъминласа, аудит тактикаси эса қўйилган мақсадларга эришишнинг шакл ва усулларини ифодалайди¹². Аудитни режалаштиришдан асосий мақсад аудит жараёнидаги умумий иш ҳажмини аниқлаш, текшириш муддатларини белгилаш, аудитни ўтказишда қўлланилиши мумкин бўлган илғор усуллар таркибини, кўрсатиладиган аудиторлик хизмати қийматини ҳамда аудиторлик хатарини аниқлашдан иборат. Аудитни режалаштириш 3-сон «Аудитни режалаштириш» номли АМС ва 9 сон «Аудиторлик исботи ва хатари» номли АФМС талаблари асосида амалга оширилади. Ушбу стандартларга асосан аудитни режалаштиришда қуйидаги тамойиллар ҳисобга олиниши керак бўлади: режанинг тўлиқлиги; режанинг узлуксизлиги; режанинг ихчамлиги.

Аудит стандартларига асосан унинг режалаштирилиши қуйидаги уч босқичда амалга оширилади:

- аудитнинг дастлабки режасини тузиш;
- аудитнинг умумий режасини тузиш;
- аудит дастурини тузиш.

Аудитнинг дастлабки режаси аудиторлик текширувини ўтказишга розилик беришдан ва аудиторлик шартномасидан олдин тузилади. Маълумки кўпмулкчиликка асосланган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятлари, улардаги жараёнлар, аудит объектлари ҳар хил бўлади. Шунинг

¹²Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари,-Т.:Ўзбекистон Республикаси

учун аудиторлик ташкилотлари аудитнинг дастлабки режасини тузади. Ушбу режадан хўжалик юритувчи субъектнинг тури ва фаолият йўналиши; банкнинг таркибий тузилиши ва бошқарилиши; банк маблағларининг турлари ва шаклланиш тартиби; молиявий хўжалик кўрсаткичлар ва уларнинг бажарилиши; банкда ички назоратни ташкил этилиши; хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа шахслар билан ўзаро ҳисоб-китоблари каби масалалар ўз ифодасини топади.

Юқоридаги масалаларни ўрганиш ва аудитнинг дастлабки режасини тузишда аудиторлик ташкилоти банкнинг низоми, банк фаолиятини қайд этишга асос бўлган ҳужжатлар, ҳисоб сиёсатини акс эттирувчи ҳужжатлар, молиявий ҳисобот, банк, молия, солиқ органларининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятига оид маълумотномалари, банк ва унинг мижозлари ўртасида тузилган шартномалар ва уларнинг бажарилиши маълумотларидан фойдаланади. Йиғилган маълумотлар таҳлили натижаси ва дастлабки режага асосан аудит ўтказишга розилик олади ва шартнома тузилади¹³.

Аудиторлик шартномасининг мақсади ва қўйилган вазифаларига қараб аудитнинг умумий режаси тузилади. Аудитнинг умумий режасида текширишга мўлжалланаётган хўжалик юритувчи субъектнинг номи, аудит даври, аудитга ажратилган муддат, аудиторлик гуруҳининг таркиби, режалаштирилаётган ишларнинг тури, унинг бажарувчилари кўрсатилади. Аудитнинг умумий режасида аудиторлик исботи ва аудиторлик хатарининг даражаси ҳам келтирилади. Ушбу режа аудиторлик гуруҳи раҳбари томонидан имзоланади ва аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланади. Қуйида тижорат банкларида кредит операцияларини текшириш аудит режаси келтирилган:

¹³Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари,-Т.:Ўзбекистон Республикаси

**Тижорат банкларида кредит операцияларни
текшириш аудит режаси¹⁴**

№	Режалаштирилаётган иш турлари	Бажарилиш даври	Бажарувчи	Изоҳ
1.	Банк кредит сиёсатининг аудити	Бир кун	Аудитор	
2.	Банк кредит портфелининг аудити	Икки кун	Аудитор	
3.	Кредит хужжатлари йиғма жилдларинининг аудити	Беш кун	Аудитор	
4.	Муаммоли кредитлар аудити	Уч кун	Аудитор	

Аудитни режалаштиришнинг узлуксизлиги қоидаси аудиторлар гуруҳига ўзаро боғланган топшириқларни белгилаш ва режалаштириш босқичларини муддатлар ҳамда тижорат банклари (бўлимлари, филиаллари, ваколатхоналари, минибанклари) бўйича консалидациялашган балансда ўз ифодасини топади. Аудит узоқ вақтга режалаштирилган бўлса тижорат банкларининг аудиторлик кузатуви бир йил давомида амалга оширилса, аудиторлик ташкилоти тижорат банкларининг молия-хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни ва оралик аудиторлик текширувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда аудитни ўтказиш режа дастурларига ўз вақтида тузатишларни киритиши лозим бўлади.

Аудитни режалаштиришнинг мақбуллиги қоидаси шундан иборатки, режалаштириш жараёнида аудиторлик ташкилоти аудиторлик ташкилотининг ўзи белгилаган мезонлар асосида аудит умумий режаси ва дастурининг мақбул вариантини танлаш имконияти учун режалаштиришнинг вариантлилигини таъминлаши зарур.

“Алоқа банк” АТда ички аудитни ўтказиш учун ҳар йил бир мартаба банк кенгашининг тавсиясига асосан ички аудит ўтказиш учун дастур ишлаб чиқилади ва бошқарув томонидан келишилган ҳолда банк кенгаш томонидан

¹⁴Муаллиф томонидан тузилди

ушбу дастур тасдиқланади. Ушбу дастур асосида текширув режаси тайёрланади ҳамда Кенгаш томонидан тасдиқланади.

“Алоқа банк” АТда ички аудит ўтказиш ва натижалари бўйича йиғма ҳисобот тузишга қўйиладиган талаблар:

- тасдиқланган режанинг бажарилишини текшириш;
- бошқарув принципларига риоя қилинишини текшириш;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини текшириш;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини текшириш;

“Алоқа банк” АТда ички аудитни режалаштиришнинг мақсади :

- бухгалтерия ҳисобининг ҳолатини экспертиза йўли билан баҳолаш;
- акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси проспектининг маълумотларини тасдиқлаш;
- йиллик молиявий ҳисобот маълумотларининг ҳаққонийлигини текшириш ва тасдиқлаш валюта муомалаларини текшириш;
- банкнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;
- иқтисодиёт ва молиявий ҳуқуқ соҳасидаги янги қонунчилик ҳужжатлари бўйича аниқ маслаҳат (консультация) ўтказиш;
- банк операцияларининг тўғри бажарилиши текшириш.

Ички аудитнинг режалаштириш тамойиллари:

Узлуксизлик - текширувда иштирок этадиган аудиторларга келишилган топшириқлар белгиланиши ва режалаштириш босқичларининг муддатлар ҳамда таркибий бўлинмалар бўйича боғлиқлигида ифодаланади.

Уйғунлик - аудитнинг дастлабки режасини тузишдан тортиб умумий режаси ва дастурини тузгунга қадар бўлган барча босқичларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мувофиқлигини таъминлаш тушунилади.

Мақбуллик - режалаштириш чоғида аудиторлик ташкилоти ўзи белгилаган мезонлар асосида аудитнинг умумий режаси ва дастуридан мақбулини танлаш имкониятига эга бўлиши зарур.

Ташқи аудит режалаштириш аудитнинг халқаро стандартлари №300 стандарти ва АФМС нинг 3-сонли стандартига асосан амалга оширилади.

Ташқи аудитни режалаштириш босқичлари

- аудитни дастлабки режалаштириш
- аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш
- аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш

Субъект фаолияти билан танишиш жараёнида аудитор қуйидагиларни баҳолайди:

- мижознинг молиявий барқарорлиги
- иқтисодий муҳитда мижознинг мавқеи
- агар мижоз олдинги аудитордан маълумот олишга рухсат бермаса ёки олдинги аудитор маълумот беришдан бош тортса, мижознинг бундан олдинги аудиторлик фирмаси билан муносабатлари.

Режалаштиришнинг биринчи босқичида аудитор субъект фаолияти бўйича қуйидаги маълумотларни тайёрлаши лозим

- банк фаолиятининг баёни
- бухгалтерия ҳисобининг шакли ва ташкилий тузилишининг баёни
- бошқарув тизимининг баёни
- субъект молиявий ҳисобининг қисқача таҳлили.

Аудиторлик фаолияти аудиторлик фирмаси раҳбарияти томонидан режалаштирилади. Аудиторлик фаолиятини режалаштириш стратегик режалаштириш ва қисмларга ажратиб режалаштириш турларига бўлинади.

Стратегик режалаштириш қуйидаги эҳтимолларни аниқлайди: билим ва тажрибага асосланган иш ҳажми, рискларни аниқлаш, мижозларнинг хоҳиши.

Масалан, банк фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишни режалаштириш жараёнида қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин.

Банк баланси моддаларининг муҳимлик даражаси.¹⁵

Актив		Пассив	
Модда номи	Муҳимлик даражаси %	Модда номи	Муҳимлик даражаси %
Пул маблағлари	0,50	Капитал ва фондлар	5
Корреспондентлик ҳисобварақлари	0,50	Қарз бўйича йўқотишлар учун заҳиралар	15
Банк мулки	19	Қимматли қоғозлар баҳосини камайиши учун заҳиралара	10
Кредит ресурслари бўйича тўланган фоизлар	10	Кредитлар бўйича даромадлар	15
Қимматли қоғозлар билан муомалалар бўйича ҳаражатлар	10	Қиммат қоғозлар бўйича даромадлар	5
Келгуси давр ҳаражатлари	15	Келгуси давр даромадлари	15
Бошқа ҳаражатлар	15	Бошқа даромадлар	15
Фойдадан фойдаланиш	10	Ҳисоблашишдаги маблағлар	10
Банк томонидан берилган кредитлар	10	Мижозлар ҳисобварақларидаги маблағлар	2
Банк томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар	5	Депозитлар	2
Даромад келтирувчи бошқа активлар	5	Банкларо кредитлар	6
Жами	100	Жами	100

Банкни текшириш жараёнида аудиторлик иш ҳажми ва аудиторлик rischi даражасини баҳолашда аудиторнинг билим ва тажрибаси катта ёрдам беради. Аудиторлик иш ҳажми аниқлангандан кейин, текширишни қайси усул ёки шаклда олиб бориш танланади.

Текширишнинг усуллари: назорат усули; аналитик усул; муомалаларни синчиклаб ўрганиш усули.

Назорат усулига банк бошқаруви назоратининг сифати, компьютер назорат тизимининг мавжудлиги, физик назорат ва ҳақиқий активлар(пул белгилари, қимматли қоғозлар ва бошқалар)ни текшириш киради.

Аналитик усулга кредит суммасининг колдиғини тасдиқлаш учун мижозларга хат билан мурожаат қилиш, муомалалар даражасининг кўтарилиши ёки пасайиши, мавжуд даромад кўрсаткичлари билан олдинги

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

йиллар кўрсаткичларини солиштириш киради. Назорат ва аналитик усуллари тез ва кам иш талаб қиладиган усуллардир.

1.7-жадвал

Тижорат банкларида кредит операциялари текшириш аудит дастури¹⁶

№	Муолажалар рўйхати	Бажарувчи	Аудиторлик ишчи хужжатлари
1.	Банк кредит сиёсатини текшириш.	Аудитор	Банк кредит сиёсати
2.	Банк кредит портфели аудити.	Аудитор	Кредит портфели
3.	Кредит хужжатлари йиғма жилдларини текшириш.	Аудитор	Кредит хужжатлари йиғма жилдлари
4.	Кредит хужжатларини юритишни текшириш.	Аудитор	Кредит хужжатлари
5.	Кредит операциялар бўйича банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномани текшириш.	Аудитор	Банк ва мижоз ўртасида тузилган шартнома
6.	Кредит мониторингини текшириш.	Аудитор	Кредит мониторинги далолатномаси
7.	Кредит бўйича фоизли даромадларни текшириш.	Аудитор	Шахсий ҳисобварақлардан кўчирма, сальдо-оборот қайдномаси, тўлов хужжатлари, кунлик баланс, Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот
8.	Кредит бўйича кўрилиши мукин бўлган зарарларни текшириш	Аудитор	Шахсий ҳисобварақлардан кўчирма, сальдо-оборот қайдномаси, тўлов хужжатлари, кунлик баланс, Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот
9.	Банк ҳисоб сиёсатида кредит операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини текшириш.	Аудитор	Банк ҳисоб сиёсати

Маълумотларни синчиклаб ўрганиш усули бухгалтерия ҳисоби хужжатларининг текширилиш натижаларини, ҳисоб ёзувларининг хужжатлар билан мослигини ва солиштирма текширувлар ўтказишни ўзида акс эттиради.

Аудит режасига асосан аудит дастури тузилади. Ушбу дастурда режадаги вазифаларга янада аниқликлар киритилиб бажарувчилар ўртасида тақсимланади. Дастурда аудит объектлари, уларни текширишда қўлланиладиган ва аудиторлик исботини таъминлайдиган “усуллар”, аудиторларнинг ишчи хужжатлари келтирилган бўлади. Ўзининг мазмун

¹⁶Муаллиф томонидан тузилди

моҳиятига кўра, аудиторлик дастури аудит ўтказиш учун услубий манба ва назорат воситаси бўлиб хизмат қилади. Аудитор аудит ўтказиш жараёнида айрим операцияларни чуқурроқ текшириш зарурияти келиб чиқса, бундан ҳолларда аудит дастурига тегишли ўзгаришлар киритилади ва қабул қилинган тартибларга асосан ҳужжатлаштирилади. Юқоридаги аудит режасига асосан 1.6-жадвалда банк кредит операцияларини текшириш аудит дастури келтирилган:

Аудит режаси ва дастури асосида ўтказилган текширувлар маълум тартибда умумлаштирилиб борилади ва ҳужжатлаштирилади. Ушбу ҳужжатлар ўз навбатида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаларини тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

I боб бўйича хулоса

Ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш, энг аввало, унинг асосини яратиш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, ички назорат тизими ва усулини шакллантиришни тақозо қилади.

Табиийки, ушбу сифат кўрсаткичларисиз банк тизимида жорий қилинган ички аудит фаолиятини баҳолаш мумкин эмас.

Базель қўмитасининг тавсиясига кўра, ички аудит хизмати банк фаолияти устидан муттасил назорат олиб боришнинг таркибий қисми ҳисобланади. Республикамиз тижорат банкларида ички аудит хизмати муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, унинг фаолияти Марказий банк тавсиялари асосида ишлаб чиқилган “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомда текширувни ташкил этиш ва олиб бориш жараёнлари умумий кўринишда ёритиб берилган.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида ички аудит фаолияти самарадорлигини оширишга аудит қўмитаси, ташқи аудиторлар, ходимлар мустақиллиги ва малакасига бўлган талаблар каби омиллар таъсир кўрсатади.

Аудитни оқилона бошқариш учун текширув жараёнида аудит стандартларига юқоридаги тавсияларни инобатга олган ҳолда қатъий риоя

қилиш талаб қилинади. Зеро, мазкур жараён қанчалик тўғри ташкил қилинса, текширув ҳам шунчалик сифатли ва самарали бўлади.

Демак, ички аудит хизматининг фаолияти икки йўналишдан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси, банк фаолияти натижаларини, иккинчиси, банк фаолияти самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Бунда ички аудит хизмати томонидан меъёрий ҳужжатларнинг нотўғри талқин қилиниши ёки ички назорат тизими фаолиятида номутаносибликлар ҳослигини инобатга олиб, миқдорий кўрсаткичларини унинг сифат кўрсаткичлари билан таққослаш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу дастур доирасида аудиторлик текширувини амалга ошириш кредит фаолиятининг барча аҳамиятга молик бўлган жойларини тўлиқ қамраб олишини таъминлайди.

Кредит операциялари етарли даражада кўп қиррали ва мураккаб бўлиб, уларни амалга оширишда банкда бир қанча хатоликлар ва бузилишлар рўй бериши мумкин. Аудитор тижорат банклари кредит фаолиятини аудит қилишда ушбу хато ва қонунбузарликларни ўрганиб чиқиши керак

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ АУДИТИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Тижорат банклари кредит сиёсати ва унинг аудити

Тижорат банкларида кредит операциялари аудити кредит ҳужжатлари ва кредитлашни ташкил этиш учун тижорат банки ҳамда унинг филиалларига меъёрий ҳужжат ҳисобланган кредит сиёсатини текширишдан бошланади.

Тижорат банки кредит фаолиятини ташкил қилиш банк Кенгаши томонидан тасдиқланган кредит сиёсатига асосан амалга оширилади. Ҳалқаро банк амалиётида банкнинг кредит операциялари учун умумий жавобгарлик банк директорлар кенгашига юкланади. Директорлар кенгаши кредит сиёсатини бевосита амалга ошириш билан боғлиқ функцияларни банкнинг қуйи бошқарув органлари зиммасига юклайди ва кредит сиёсатининг умумий тамойиллари ва чекловларини шакллантиради. Ривожланган ҳорижий давлатлар, ҳусусан, АҚШ ва Германия банк амалиётида йирик банклар кредит сиёсати тўғрисида ёзма меморандум ишлаб чиқадилар. Меморандумнинг мазмуни ва таркиби турли банкларда турличадир, лекин умумий ўхшашликлари ҳам сезиларли даражада мавжуддир.

Кредит сиёсатида энг аввало умумий мақсад шакллантирилади.

Ҳар қандай кредит сиёсати мақсади одатда қуйидагилардан иборат бўлиши керак: узоқ муддатли инвестициялардан акциядорларга юқори даромад келишини таъминлаш, ликвидликни сақлаб туриш, таваккалчиликни диверсификация қилиш, сиёсат ва тадбирлар бирлигини кафолатлаш, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш, ҳудуднинг кредитларга бўлган эҳтиёжини қондириш.

Кредит сиёсатининг мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлади:

- юқори сифатли активларни ташкил этиш ва даромадликнинг доимий мақсадли даражасини таъминлаш имконини берадиган таваккалчиликнинг фақат шундай характерига йўл қўйиш;

- юқори сифатли кредит портфелини таъминловчи кредит ходимларининг юқори малакали жамоасини ташкил қилиш;

- банкнинг стратегик мақсадларига мувофиқ келадиган иқтисодий жиҳатдан истиқболга эга, рентабелли лойиҳаларни молиялаштириш учун ссудалар бериш;

- кредит ресурсларини жалб этиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда кредитлашни амалга ошириш;

- банк мижозлари билан узоқ муддатли, даромад келтирувчи муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш.

Юқори даражада рақобатбардош, бироқ кредитлашнинг асоссиз, шунингдек, банк амалиётида вақтинчалик истиқболи бўлмаган усулларидан фойдаланишдан чекиниш.

Меморандум банкнинг турли поғоналарда турган раҳбарлари томонидан берилиши мумкин бўлган кредитларнинг юқори суммасини белгилаб беради.

Кредит сиёсати тўғрисидаги меморандумнинг муҳим характерли хусусиятларидан бири шундаки, унда банк маъмурияти томонидан берилиши фаол тарзда рағбатлантириладиган ссудаларнинг турлари ва банк учун берилиши номақбул бўлган ссудаларнинг турлари аниқ белгилаб қўйилади. Масалан, банк ишлаб чиқариш корхоналарига айланма маблағларни тўлдириш мақсадига бериладиган қисқа муддатли кредитлар ҳажмини оширишни мақсад қилиб олган бўлиши мумкин. Айти вақтда, банк томонидан узоқ муддатли инвестициялар учун кредитлар бериш мақсадга мувофиқ бўлмаслиги мумкин.

Кредит сиёсати тўғрисидаги меморандумда ёки кредит сиёсатининг асосий йўналишларида банкнинг кредит экспансияси учун мақбул бўлган ҳудудлар аниқ белгилаб қўйилган бўлиши керак. Масалан, банк ўзининг кредит бериш соҳасини ўзи жойлашган шаҳар ҳудуди билан чеклаб қўйган бўлиши мумкин. Йирик банк эса ўзининг кредит фаолияти доирасини мамлакатнинг турли ҳудудларига ва хорижий давлатларга кўчиради.

Масалан, Республикамизда АТ “Алоқа банк”нинг деярли барча ҳудудларда филиаллари мавжуддир. Ва аксинча, АТ «Асакабанк» нинг филиаллари асосан йирик шаҳарларда тўпланган.

Кредит сиёсати тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларда муддати ўтган ссудаларни ундириш тартиби, овердрафт, контокоррент ва бошқа кредитлаш шаклларида фойдаланиш тартиби, банкнинг ўз ходимларига кредит бериш тартиби каби ўзига хос масалалар аниқ акс эттирилган бўлиши лозим.

Кредит сиёсати тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар банк ходимлари ташаббусини бўғиб қўймаслиги лозим. Масалан, кредит сиёсатида молиявий ҳолати нобарқарор бўлган корхоналарга кредит берилиши таъқиқлаб қўйилган бўлиши мумкин. Лекин, жойларда молиявий жиҳатдан барқарор бўлган йирик корхона кафолати остида кредит оладиган корхоналар мавжуд бўлиши мумкин ёки корхонанинг молиявий ҳолати нобарқарор бўлсада, унинг балансида юқори ликвидли гаров объектлари бўлиши мумкин.

Кредит сиёсатида кредит қўмитасининг ваколатлари ва жавобгарлиги масалалари алоҳида ўрин тутди. Кредит қўмитасининг жавобгарлиги асосан қуйидагилар билан белгиланади:

- кредит ҳужжатларининг тўғри шакллантирилиши, уларнинг сифати;
- қарз олувчининг ҳисобварағига маблағлар келиб тушишининг тўлиқлиги ва даврийлиги;
- қарз олувчининг рейтинги;
- кредитлар қайтарилишини таъминлаш турлари ва шакллари, уларнинг юридик жиҳатдан расмийлаштирилиши;
- мулкчилик шаклларида катъий назар хўжалик органларига кредитлар ёки кафолатлар берилишининг мақсадга мувофиқлиги ва шартлари;
- кредит ҳажми, кредит қийматининг таъминланиши ва қайтарилиши муддатларининг реаллиги;
- бир қарз олувчи ёки боғлиқ шахсларга берилиши мумкин бўлган кредит ҳажми.

Банк кредит сиёсати кредит бериш босқичида ҳам, кейинги мониторинг босқичларида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботларига нисбатан қўйиладиган талабларни ўз ичига олиши керак. Молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувларидан ўтказиш, нақд пул оқими ва бошқа маълумотлар бўйича ҳисоботларни тақдим этиш юзасидан қўйиладиган талаблар аниқ ифодаланиши зарур. Шунинг ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, банклар талаб қиладиган маълумотлар Халқаро бухгалтерлик ҳисоби андозаларига мувофиқ тақдим этилиши керак.

Кредит сиёсатида потенциал қарздорларнинг кредит қобилиятини (ликвидлик, қопланиш, мухторлик коэффицентлари, капиталлаштириш даражаси, гаров билан таъминланганлигини экспертиза қилиш ва б.) аниқлаш учун уларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш тадбирлари батафсил ёритилиши лозим. Банк қарздорларнинг кредит қобилияти мезонлари ва уларни баҳолаш методикасини аниқ белгилаб олиши керак.

Кредит сиёсати муайян турдаги қимматликлар (кўчмас мулк, автомобиллар ва б.) гарови асосида бериладиган ссудаларнинг максимал миқдори лимитларини ўз ичига олиши ҳамда таъминланган ссудаларнинг ҳар бир тури учун кредит ҳужжатлари тўпламини расмийлаштириш тадбирларини белгилаш лозим. Банк кредит сиёсатида гаров кредитлашнинг уни бериш вақтидаёқ кредитни тўлаш манбаси (нақд пул ёки давлат қисқа муддатли облигациялари (ҳазина векселлари) билан таъминланган кредитлар бундан мустасно) ҳисобланган ягона асоси бўлмаслиги белгилаб қўйилиши зарур.

Сиёсат гаровга олинган мулк турига қараб гаров мавзуига нисбатан қўйиладиган талаблар ва кредитнинг гаров қийматига нисбатини ўз ичига олиши керак. Мазкур бандда гаров предмети синчиклаб баҳоланиши ва унинг бозор қиймати уни сотиш лозим бўлган пайтда юзага келиши мумкин бўлган зарарни аниқ ёритилиши зарур. Ҳужжатда гаров предмети мустақил баҳоловчи ва ички банк баҳоловчиси томонидан баҳоланадиган ҳоллар кўрсатиб ўтилиши керак. Турли гаров тоифаларини баҳолаш услублари

батафсил акс эттирилиши лозим. Сиёсат кўчмас мулк, ишлаб чиқариш жиҳозлари ва истеъмол кредитларини молиялаш учун бериладиган кредитларни тўлаш ҳисобига қарздор томонидан бунак тўловларини киритишга доир муайян талабларни ўз ичига олиши зарур.

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим. Кредит бўлимида ишлайдиган ходимлар кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари керак. Қарздор ёки гаров аҳволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича “тўловсизлик” тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, банк Бошқаруви ва Кенгашига тақдим этиладиган тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичига олиши лозим. Ҳисоботларда аҳволнинг ёмонлашиши, потенциал зарарларнинг сабаблари ва соғломлаштириш режалари батафсил баён этилиши лозим.

Сиёсат қарзларни қайтаришга доир изчил босқичма - босқич чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилиши керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

Кредит сиёсати турли кредитлар ва қарздорлар бўйича белгиланувчи фоиз ставкаларини аниқлашда фойдаланиладиган омилларни ўз ичига олиши керак. Бунда ҳеч бўлмаганда ресурслар қиймати, кредит бўйича хизмат кўрсатишга доир кутилаётган ҳаражатлар, воситачилик ҳақи, маъмурий сарфлар, эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ва банкмаржаси баҳоланиши зарур.

Кредит сиёсати банкка алоқадор бўлган шахсларга бериладиган кредитлар бўйича Марказий банк талабларига мувофиқ келувчи лимитларни ўз ичига олиши лозим.

Кредит сиёсатида банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимларни қисқартириш ёки уларни тузишнинг ҳар қандай имкониятларини бартараф

этиш мақсадида алоқадор шахсларга бериладиган кредитларни тасдиқлаш ва қайта тиклаш тартиби ҳамда тадбирлари белгилаб қўйилиши керак.

Кредит сиёсатида кафолатлар ва аккредитивларнинг мақсади ва ишлатилиши, мансабдор шахсларнинг бундай мажбуриятларни чиқаришга доир ваколатлари ва бундай воситалар чиқарилиши мумкин бўлган ҳоллар, шунингдек, уларга доир ҳужжатлар ва ҳисоботларга нисбатан қўйиладиган талаблар батафсил ёритилиши лозим.

Балансдан ташқари мажбуриятларни беришда молиявий ҳисоботлар (ҳужжатлар)ни тақдим этишга оид талаблар кредитнинг исталган бошқа турларини беришда фойдаланиладиган ҳужжатлар ва ҳисоботлар билан бир хил бўлиши зарур. Тижорат аккредитивлари бўйича тўловларни ўтказиш, тўлов ва юк ортиш ҳужжатлари (накладнойлари), суғурта полислари ҳамда ҳалқаро андозалар ва тадбирларга мувофиқ талаб қилинадиган бошқа ҳужжатларга нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар қайд этилиши керак.

Сиёсатда банк кредит портфелини вақти - вақти билан баҳолашга жавобгар бўлган мансабдор шахсларни белгилаши ҳамда кредит портфели сифатини аниқлаш ва тузатишлар минимал юзага келувчи йўқотишлар билан амалга оширилиши учун муаммоли кредитларни аниқлаш учун зарур бўлган ички банк кредит таҳлили мақсадларини белгилаб қўйиши лозим.

Таҳлил мақсадлари кредит сифатини аниқлаш билан бир қаторда кредитлаш жараёнини бошқариш сифатини баҳолаш, жумладан, тасдиқланган кредит сиёсатига ва кредит ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларига, молиявий таҳлил, гаровни расмийлаштириш ва баҳолаш, кредитлашга доир ваколатларни тақсимлаш, қонунчилик меъёрларига риоя қилишга мувофиқлигини таъминлаш ўз ичига олиши лозим.

Кредит сиёсати банк хизматлари ва бўлинмалари томонидан Банк Бошқаруви ва Кенгашига кредитлашнинг турли жиҳатлари бўйича тақдим этиладиган ҳамда кредит портфели сифати тўғрисидаги хулосаларни ва кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботлар тури ва даврийлигини белгилаши лозим.

Ҳисоботлар филиаллар ва банк бўйича умуман кредитлаш воситалари ва йўналишларига қараб таваккалчиликларни баҳолаш учун бошқаришнинг турли даражаларига мослаштирилган ҳамда батафсил ёритилган бўлиши керак.

Банк томонидан кредитлаш соҳасида ўз мақсади доирасида аниқ ва тўғри ёндашув учун қуйидаги омиллар катта аҳамият касб этади:


- белгиланган муддат учун банкни умумий мақсадларини ишлаб чиқиши, жумладан ликвидлик ва фойдалилик ўртасидаги муносабат;
- мамлакат ёки региондаги умумий кредит қўйилмалари массасига нисбатан кредит ресурсларини (марказлашган ресурслар ҳам қўшилади) муносабати.

“Кредит сиёсати” ҳужжати кредитларни бошқариш жараёнининг пойдеворини ташкил этади. Тижорат банки томонидан ишлаб чиқилган ва ёзма равишда қайд этилган “Кредит сиёсати” кредитларни оқилона бошқаришнинг самарали йўлларида ҳисобланади. Ушбу ҳужжат банкнинг кредитлаш фаолиятининг андозалари ва параметрларини белгилаб беради. Ушбу белгиланган стандартлар ва параметрлардан кредит бериш, қарзларни ҳужжатлаштириш ва бошқариш бўйича масъулиятли бўлган банк хизматчилари қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин. Кредит сиёсати банк Бошқаруви аъзолари, қонун чиқарувчи, стратегик қарорлар қабул қилувчи шахсларнинг ҳатти - ҳаракатини белгилаб беради ҳамда ички ва ташқи аудиторларга банкда кредитларни бошқариш даражасининг ўтиш даврида, молиявий бозорларга давлатнинг таъсири камайган шароитда, тижорат банклари ички сиёсатини ўзлари ишлаб чиқишини кескин фаоллаштиришлари лозим.

Кредит сиёсати қанчалик тўғри ва оқилона ташкил этилган бўлса шунчалик банк даромадлиги даражаси ошиши мумкин. Чунки банк даромад келтирувчи активларининг асосий қисмини кредитлар эгаллайди шунинг учун кредит сиёсатида белгиланган талабларнинг бажарилишини аудит текширувидан ўтказиш лозим. Банк тизими ва унда барча тижорат

банкларининг жами активларига баҳо бериш керак. Банк тизими фаолиятининг ўтган йилги кўрсаткичлари нафақат халқаро умумқабул қилинган меъёрларга жавоб беради, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юқори даражаларга эришилди.


Хусусан, бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 23,8 фоизни ташкил этиб, у халқаро банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан 3 баробар юқори бўлди. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкларнинг умумий капитали 7,8 трлн. сўмдан ошиб кетди.



2.1-расм. Тижорат банклари жами капитали¹⁷ (млрд. сўм)


Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончининг ортиши ва банк даромадларининг ошиши туфайли мамлакатимиз банкларининг активлари йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга. 2015 йил давомида банк активлари 2014 йилга нисбатан 28,2 фоизга ўсиб, бугунги кунда 62,2 трлн. сўмга етди.

¹⁷Ўзбекистон Республикаси Марказий банкисайти маълумотлари асосида тайёрланди. www.cbu.uz



2.2-расм. Тижорат банклари активлари¹⁸ (млрд. сўм)

Тижорат банкларининг активлари динамикасини АТ “Алоқабанк” мисолида кўрадиган бўлсак, сўнгги йилларда ушбу банкнинг активлари ҳам жадал суръатларда ўсиб бормоқда.



2.3-расм. АТ “Алоқабанк” активларининг ўсиш динамикаси¹⁹ (млрд. сўм)

Ушбу расм маълумотларидан кўришиб турибдики, АТ “Алоқабанк”нинг активлари сўнгги беш йилда 2,9 баробарга ошди. Лекин сўнгги 2015 йилда банк активлари ўтган йилга нисбатан фақат 18 фоизга ошган бўлиб, бу эса банк Бошқарувининг активларни ўстиришда

¹⁸Ўзбекистон Республикаси Марказий банкисайти маълумотлари асосида тайёрланди. www.cbu.uz

¹⁹АТ “Алоқабанк” йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

эҳтиёткорлик билан ёндашиш ҳамда кредит портфелини оширишда кўпроқ сифат жиҳатидан кўпроқ эътибор қаратаётганлигидан далолат беради.

2.1-жадвал


АТ «Алоқабанк» активларининг таркибининг таҳлили

(млрд. сўмда)

Кўрсаткичлар	2014 йил		2015 йил		Ўзгариши	
	сумма млрд.сўм	салмоғи %	сумма млрд.сўм	салмоғи %	сумма млрд.сўм	салмоғи %
1. Кассадаги нақд пуллар	26,8	2,66	76,8	6,46	50	286,57
2. Марказий банкдаги пуллар	93,2	9,27	99,8	8,40	6,6	107,08
3. Бошқа банклардаги маблағлар	97	9,64	4,5	0,38	-92,5	4,64
4. Инвестициялар	16,2	1,61	15,6	1,31	-0,6	96,30
5. Кредит ва лизинг операциялари	707,6	70,34	916	77,08	208,4	129,45
6. Асосий воситалар	56,1	5,58	61	5,13	4,9	108,73
7. Бошқа активлар	9,0	0,89	14,7	1,24	5,7	163,33
Жами активлар	1005,9	100	1 188,4	100,0	182,5	118,14

Юқоридаги жадвалдан маълум бўладики, АТ “Алоқабанк”нинг активлари сўнгги 5 йил мобайнида 2,5 баробарга ошган. Ўртача йиллик ўсиш эса 18,2 фоизни ташкил этган. Банкнинг жами активлари 2014 йилга нисбатан 182,5 млрд.сўмга ошган. Бу банк учун ижобий ҳолат ҳисобланиб, унинг таркибида кредитлар асосий ўринни эгалламоқда. Жами кредитлар активларнинг 70-80 фоизини тақил этмоқда.

Бундан ташқари, Марказий банкдаги пулларнинг улуши ҳам сезиларни ҳисобланади.



2.4-расм. АТ “Алоқабанк” активлари таркиби (млрд.сўм)
(31.12.2015 йил)

Активларнинг таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, асосий улушни, албатта, кредит қўйилмалари эгалламоқда. 2015 йил якунлари бўйича кредитларнинг активлардаги улуши 77,1 фоизни ташкил этган. Кейинги ўринда эса, Марказий банкдаги 99,8 млрд. сўм билан активларнинг 8,4 фоизини эгалламоқда.

Банк активларининг таркиби жаҳатдан эътибор бериладиган бўлса, банкнинг активларида банк томонидан амалга ошириладиган ссуда ва лизинг операциялари юқори салмоғни ташкил этади. Яъни 2014 йилда жами активлар таркибида ссуда ва лизинг операциялари салмоғи 70,34 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 77,1 фоизни ташкил этганлигидан келиб чиқадиган бўлсак, банк ўзининг кредит ва депозит сиёсатини мукаммал мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиққанлигини кўрамиз. Банк ўзининг ликвидлик ва тўловга лаёқатлилик кўрсаткичларини банк фаолиятига мувофиқлаштирилган даражада ушлаб турганлигини кўрамиз. Банк

ресурсларни оптималлаштириб бориш учун албатта уларни банк активларига нисбатан тўғри тақсимлаш орқали эришади. Банк активларига ресурсларини тўғри ва оптимал даражада жойлаштириш эса, банк ресурслардан қайси даражада оптимал фойдаланганлиги ва шу ресурслар келтирадиган даромад миқдорига ҳам бевосита боғлиқдир.

2.2.Тижорат банклари кредит портфели ва аудити

Тижорат банклари кредит операцияларининг аудити амалга оширида кредит портфели аудитини текшириш аудитнинг кейинги босқичида амалга оширилади. Банк кредит портфелини вақти - вақти билан баҳолашга жавобгар бўлган мансабдор шахсларни белгилаши ҳамда кредит портфели сифатини аниқлаш ва тузатишлар минимал юзага келувчи йўқотишлар билан амалга оширилиши учун муаммоли кредитларни аниқлаш учун зарур бўлган ички банк кредит таҳлили мақсадларини белгилаб қўйиши лозим.

Таҳлил мақсадлари кредит сифатини аниқлаш билан бир қаторда кредитлаш жараёнини бошқариш сифатини баҳолаш, жумладан, тасдиқланган кредит сиёсатига ва кредит ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларига, молиявий таҳлил, гаровни расмийлаштириш ва баҳолаш, кредитлашга доир ваколатларни тақсимлаш, қонунчилик меъёрларига риоя қилишга мувофиқлигини таъминлаш ўз ичига олиши лозим.

Кредит портфели таҳлиliga асосланган ҳолда аудит муайян берилган кредитга банкнинг таваккалчилигини аниқлайди. Ушбу босқич алоҳида эътибор беришни талаб этади. Чунки аудиторлар таваккалчилик даражасига қараб аниқ кредитга нисбатан ҳисобланган захирани кўпайтириш ёки камайитиришга ҳақлидир, бу эса банк активининг сифатида ўз ифодасини топади.

Банк кредит портфели аудитида таҳлилнинг асосий босқичлари²⁰

№	Таҳлил қисмлари	Маълумотларни аниқроқ очиб берилиши
1	Кредитларнинг ҳолати бўйича таҳлили	Жорий, муддати ўтган, муддати узайтирилган, суддаги кредитлар, ўсиб бормайдиган статустадаги кредитлар, ҳисобдан чиқарилган кредитлар.
2	Кредитларнинг муддати бўйича таҳлили	Қисқа муддатли, узоқ муддатли овердрафлар.
3	Иқтисодиёт тармоқлари бўйича таҳлили	Саноат, кишлок хўжалик, кичик бизнес, савдо, давлат траншлари, микро кредитлар, истеъмол кредитлари.
4	Фоиз ставкалари бўйича таҳлили	Имтиёзли, қайта молия-лаштириш ставкаси даражасида, тижорат.
5	Таъминот тури бўйича таҳлили	Ишончли кредитлар, мулк гарови, учинчи шахс кафолати, кафолатланган кредитлар.
6	Кредит сифати таҳлили	Яхши, стандарт, субстандарт, шубҳали, ишончсиз.
7	Кредитларнинг манбаси бўйича таҳлили	Банкнинг ўз маблағлари, жалб қилинган маблағлар.
8	Кредитларнинг мақсади бўйича таҳлили	Тижорат, айланма маблағларни тўлдириш.
9	Аудит қилиш даврида кредитларнинг ўзгариши динамикасининг таҳлили	Кредитлаш ҳажмининг ошиши ёки камайиши, муаммоли кредитларнинг улуши ва улар билан ишлаш самарадор-лигининг, резервлар суммасининг, кредит активларирентабеллигининг ўсиши ёки пасайиши.

Банк томонидан кредитлаш соҳасида ўз мақсади доирасида аниқ ва тўғри ёндашув учун қуйидаги омиллар катта аҳамият касб этади:

- белгиланган муддат учун банкни умумий мақсадларини ишлаб чиқилиши, жумладан ликвидлик ва фойдалилик ўртасидаги муносабат;
- мамлакат ёки региондаги умумий кредит қўйилмалари массасига нисбатан кредит ресурсларини (марказлашган ресурслар ҳам қўшилади) муносабати.

Юқоридаги жадвал маълумотларининг айримларидан фойдаланиб фойдаланиб "Ипотека банк" АТИБнинг кредит портфелини аудит текширувидан ўтказамиз:

Кредит портфелини тармоқлар бўйича дивесификациялаш даражасини ўрганишга аудитор алоҳида эътибор бериши керак. Бизнинг фикримизча,

²⁰Муаллифтомониданишлабчиқилган

кредит портфелини тармоқлар бўйича диверсификациялаш даражасини натижасида кредит портфели сифати яхшиланиши кузатилади.

2.4-жадвал

«Ипотека-банк» АТИБкредит портфелининг таркиби²¹

Кўрсаткичлар	01.01.2012	01.01.2013	01.01.2014	01.01.2015	01.01.2016
Корпоратив кредит	70,2%	69,7%	70,1%	62,0%	60,8%
Кичик бизнес	15,4%	17,4%	15,9%	21,6%	13,4%
Ипотека	11,7%	9,6%	10,9%	13,8%	24,4%
Истеъмол	2,7%	3,2%	3,1%	2,6%	1,4%

Корпоратив мижозларга ажратилган кредитлар улуши 2016 йил натижалари бўйича 60.8 фоизни ёки абсолют ифодасида 2075,9 млрд сумни ташкил этади. Банкда йилдан йилга корпоратив мижозларга берилган кредитлар салмоғи камайиб бормоқда. Бунга сабаб охириги йилларда ипотека кредитини ажратиш ўсиб бормоқда.

Кредитларнинг қайтмаслик хавфини хеджирлаш мақсадида, йил давомида банк кредит портфелини адекват миқдорида захиралар билан копланиши таъминланади, молиявий фаолиятнинг барқарорлигига шароит яратилиб, кредитлар бўйича йўқотишларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг ўсишидан чегараланди.

Бизга маълумки, тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда унинг тармоқ хусусиятига кўра диверсификация қилинганлигига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки, бу хусусият кредит портфелини диверсификация қилишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Маълумки, тижорат банклари кредит портфелининг сифатини оширишнинг зарурий шартларидан бири бўлмиш диверсификациялаш тамойилига қатъий риоя қилиш эканлиги жаҳон молиявий инқирози шароитида яққол намоён бўлди.

АҚШ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳудудида фаолият кўрсатаётган қатор тижорат банклари кредит портфелини

²¹«Ипотекабанк» АТИБ» йиллик ҳисоботи маълумотлари (www.ipotekabank.uz) асосида ҳисобланди

диверсификациялаш тамайилининг бузилишига йўл қўйдилар.Натижада уларнинг кредит портфели ҳажмида ипотека кредитларининг салмоғи 50 фоиздан ошиб кетди. Ҳолбуки, тижорат банклари кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта соҳа ёки тармоқда тўпланиши банк кредит портфелининг диверсификациялаш тамайилининг бузилганлигидан далолат беради ва кредит хатарининг кучайишига олиб келади.

Шу ўринда республикамизнинг йирик тижорат банкларидан бири бўлган “Ипотека-банк” АТИБ кредит портфелининг тармоқ хусусиятига кўра диверсификацияланиш даражасини кўриб чиқамиз.

2.5-жадвал

АТИБ “Ипотека банк” кредит портфели тўғрисида маълумот (йил бошига, млрд.сўм)²²

№	Иқтисодиёт тармоқлари	2011	2012	2013	2014	2015	2016
1	Ишлаб чиқариш	308,5	554,9	739,5	1046,4	1366,5	1465,4
2	Жисмоний шахс (ипотека, истеъмол)	111,3	136,1	206,3	270,5	414,6	881,6
3	Савдо ва хизмат	69	113,5	173,3	216,6	264,7	83,6
4	Курилиш	44	59,7	55,7	71,9	160,8	344
5	Коммунал хизмат	20,6	20,6	75,3	154,1	117,7	548,8
6	Қишлоқ хўжалиги	20,6	20,6	28,6	58,4	76,6	16,6
7	Нефть ва газ	3,5	18,7	11,7	44,8	69,2	71,7
8	Транспорт ва алоқа	9,1	9,1	35,7	60	39,5	1,5
9	Бошқа тармоқлар	4,2	13,9	7,5	7,3	15,1	0,1
ЖАМИ:		590,8	947,1	1333,6	1930	2524,7	3413,3

Жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, АТИБ “Ипотека банк” кредит портфели йиллар давомида ўсиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда. Банк томонидан ажратилган кредитларнинг таркибида асосий ўринни ишлаб чиқариш соҳасига ва жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар эгаллаб келаётганлигини кўриш мумкин. Бу банк томонидан мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга ва аҳолини турмуш даражасини оширишга қаратилган сиёсатларнинг изчил давом эттираётганлигидан далолатдир.

²²АТИБ “Ипотека банк” маълумотлари асосида тузилди

Маълумотлардан таҳлил қилинадики, «Ипотека-банк» АТИБнинг кредит портфели диверсификациялашуви даражаси юқори. Банк кредит портфели таркибининг асосий улушини ишлаб чиқариш соҳаси (43%ни) эгаллайди. Жумладан истеъмол кредитнинг ҳам кредит портфели таркибида улуши бирмунча юқори.

2.6 - жадвал.

“Ипотека-банк” АТИБ кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича тақсимланиши²³

№	Иқтисодиёт тармоқлари	01.01.2012	01.01.2013	01.01.2014	01.01.2015	01.01.2016
1	Ишлаб чиқариш	58,6%	55,5%	54,2%	54,1%	42,9%
2	Жисмоний шахс (ипотека, истеъмол)	14,4%	15,5%	14,0%	16,4%	25,8%
3	Савдо ва хизмат	12,0%	13,0%	11,2%	10,5%	2,4%
4	Қурилиш	6,3%	4,2%	3,7%	6,4%	10,1%
5	Коммунал хизмат	2,2%	5,6%	8,0%	4,7%	16,1%
6	Қишлоқ хўжалиги	2,2%	2,1%	3,0%	3,0%	0,5%
7	Нефть ва газ	2,0%	0,9%	2,3%	2,7%	2,1%
8	Транспорт ва алоқа	1,0%	2,7%	3,1%	1,6%	0,0%
9	Бошқа тармоқлар	1,5%	0,6%	0,4%	0,6%	0,0%
ЖАМИ:		100,0	100,0%	100,0%	100,0%	100,0%

2015 йилда “Ипотекабанк” АТИБ томонидан ишлаб чиқариш берилган кредитларнинг банк кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғи 2011 йилга нисбатан 15,9 фоизли пунктга камайган. Бу бошқа тармоқларга берилган кредитлар салмоғининг ўсиши ҳисобига юз берган.

Тижорат банклари кредит сиёсатидаги мавжуд қатор камчиликлар, жумладан, кредит портфелини тармоқлар бўйича тақсимлашда кредит лимитларини ўрнатишдаги камчиликлар кредит рискларини ошишига олиб келади. Таҳлил қилинган амалий маълумотлар кредитлаш жараёнида тармоқ лимитларини ўрнатиш жараёнини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Тижорат банклари кредитлаш амалиётининг самарадорлигига таъсир қилувчи асосий омиллардан яна бири кредитларнинг тури ҳисобланади.

²³«Ипотекабанк” АТИБ” йиллик ҳисоботи маълумотлари (www.ipotekabank.uz) асосида ҳисобланди.

Ҳозирги вақтда республикаимиз банк амалиётида кредитлар турларига кўра икки йирик гуруҳга бўлинади:

- қисқа муддатли кредитлар (1 йил муддатгача бериладиган кредитлар);

- узоқ муддатли кредитлар (1 йилдан ортиқ муддатда бериладиган кредитлар);

Тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг узоқ муддатли кредитларга нисбатан қиёсий таҳлилини амалга ошириш кредитлаш амалиётининг таҳлилини бойитишга хизмат қилади. Бунинг боиси шундаки, кредитларнинг муддати бўйича фарқланиши кредитлаш шаклларига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

2.7-жадвал

“Ипотека-банк” АТИБ кредит портфелида кредитларнинг муддати бўйича таркибий таҳлили²⁴

№	Кўрсаткичлар	01.01.2012	01.01.2013	01.01.2014	01.01.2015	01.01.2016
1	Кредитлар-жами	100,0%	100,0%	100,0%	100,0%	100,0%
2	-қисқа муддатли	47,4%	20,9%	19,4%	18,3%	17,5%
3	-узоқ муддатли	52,6%	79,1%	80,6%	81,7%	82,5%

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, “Ипотека-банк” АТИБда 2011-2015 йиллар мобайнида узоқ муддатли кредитларнинг жами кредит кўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденциясини кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, банкнинг кредит портфелида саноат корхоналарига берилган кредитлар салмоғининг юқорилиги билан изоҳланади.

Кредит портфели сифатини мақбул даражада сақлаш мақсадида, Банк ажратилаётган кредитлар ва кредит амалиётлари устидан ўрнатилган мониторингга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу фаолият 2 йўналишда олиб борилади:

²⁴“Ипотекабанк” АТИБ” йиллик ҳисоботи маълумотлари (www.ipotekabank.uz) асосида ҳисобланди.

- кредит портфели сифатини молиялаштирилган лойihalарнинг хақиқатда амалга оширилиши ва даромадлиги нуқтаи назаридан бахоланиши ҳамда

- гаровга олинган мол-мулкнинг ликвидлиги ва ҳаққоний баҳосини аниқлаш орқали.

Кредит таъминоти сифатида Банк томонидан кўчмас мулк, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, депозитлар, қимматли қоғозлар ҳамда учинчи шахс кафилликлари қабул қилинмоқда.

2.8-жадвал


“Ипотека-банк” АТИБ кредит портфелида кредитларнинг таъминоти бўйича таркибий таҳлили²⁵

Кўрсаткичлар	01.01.2012	01.01.2013	01.01.2014	01.01.2015	01.01.2016
Кафолат ва кафиллик	56,7%	60,1%	56,3%	47,3%	39,8%
Кўчмасмулк	33,2%	27,3%	28,2%	31,9%	40,7%
Транспорт воситалари	6,6%	6,6%	9,4%	9,0%	6,5%
Асбоб-ускуналар ва моддий заҳиралар	1,5%	2,8%	5,3%	7,0%	10,4%
Пулмаблағлари ва бошқалар	0,1%	1,0%	0,5%	4,2%	1,5%
Таъминотсиз	1,9%	2,2%	0,3%	0,5%	1,1%
Жами	100,0%	100,0%	100,0%	100,0%	100,0%

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, 2011-2015 йилларда «Ипотека-банк» АТИБнинг кредит портфелининг таъминоти тури бўйича таркиби ўзгарган. Таъминот таркибиди кафолат ва кафиллик салмоғи камайган бўлса, кўчмас мулк ва асбоб ускуналар орқали таъминланиш даражаси ўсган. Кредит портфелининг таъминот тури бўйича таркибида асосий ўринни кафолат ва кафиллик (39.8%) ҳамда кўчмас мулк (40.7%) ташкил этган, яна бир гаров турининг муҳим улушини эгаллаган асбоб ускуналар ва товар моддий заҳиралар (10.5%) ҳисобланади.

²⁵«Ипотека-банк» АТИБ» йиллик ҳисоботи маълумотлари (www.ipotekabank.uz) асосида ҳисобланди.

2016 йил 1 январ ҳолатига банк активларининг **947,7**млрд. сўми ёки **77,8** фоизи кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келди. Халқ хўжалигининг турли тармоқларига ажратилган кредитлар қолдиғи ўтган йилнинг шу даврига (**700,8** млрд. сўм) нисбатан **246,9** млрд. сўмга ошиб, ўсиш **135,2** фоизни ташкил этди.



2.5-расм. АТ “Алоқабанк”нинг кредит портфели динамикаси.

Ҳисобот санасига банк кредит портфелининг таъминланганлик даражаси 166,9 фоизни ташкил этиб, кредит ва лизинглар таъминотининг умумий суммаси 1 581,7 млрд. сўмга етди.

Ҳисобот даврида банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга жами бўлиб 679,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди ҳамда 431,9 млрд. сўм миқдоридаги кредитлар график асосида қайтарилди

2015 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 456,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

АТ “Алоқабанк” томонидан иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги инвестицион жараёнларни хусусан, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ лойиҳаларни молиявий таъминлаш

мақсадида ҳисобот даврида 472,5 млрд. сўм миқдорида инвестицион лойиҳаларга кредитлар ажратилди. Натижада, ўтган йил давомида ушбу йўналиш бўйича ажратилган кредитлар суммасига (375,4 млрд. сўм) нисбатан ўсиш суръати 97,1 млрд. сўмни ёки 125,9 фоизни ташкил этди.

Кредит портфелининг ҳолатини таҳлил қилишда аудитор кредит бериш билан боғлиқ бир нечта кўрсаткичларни, яъни берилган кредитнинг ўзига хос хусусияти, унинг таъминланиши, фоизларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида даромад ҳисобварақларига олиниши, қайтарилиш муддатлари ва ҳоказоларни ўрганиши лозим бўлади.

2.8-жадвал

Кредит портфели бўйича чекловларни банк капитали захиралар суммасига нисбати²⁶

№	Кредитлаш соҳаси	Чеклов миқдори
1.	Бир компания учун	10-20%
2	Бир гуруҳ компаниялар учун	25-50%
3	Саноатнинг биргина тармоғи учун	50-100%
4	Ўзаро боғлиқ тармоқ учун	200-500%
5	Бозор сегменти	1000-1500%
6	Узоқ муддатли кредитлар	500-600%

Демак, қуйидаги жадвалдан шу нарса кўринадикки кредит бераётган банк бир компания учун ўз капиталининг 10-20 %дан ортиқ кредит бермаслиги керак.

Бир гуруҳ компаниялар учун эса ўз капиталининг 25-50% дан ортиқ кредит бермаслиги керак.

Саноатнинг бир тармоғида фаолият олиб бораётган корхона ва компанияларга капиталнинг 50-100 %дан ортиқ кредит берилса, банк ўз кредит портфелини риск (ҳавф) остига қўйган бўлади.

Ҳудди шундай ўзаро боғлиқ тармоқда фаолият олиб борилаётган корхоналарга ва компанияларга капиталнинг 2 ёки 5 бароваридан ортиқ кредит берилмаслиги лозим.

²⁶Буз-Аллен Гамильтон. Вашингтон Д.С.,2001 й.

Бозор сегменти деганда корхоналар, ҳукумат, аҳоли кабилар тушунилиши керак. Бозор сегментига бериладиган кредитлар капиталнинг 10 ёки 15 бароваридан ошмаслиги керак.

Тижорат банкларини кредитлар бўйича йўқотишларга таъсир этувчи омиллари таҳлили натижасида Фарбий Европа банкирлари ички омилларни таъсири кўп деган хулосага келдилар. Жаҳон Банки маълумотларига кўра кредит йўқотишларини 67 фоизига банкнинг ички омиллари сабаб бўлса, 33 фоизи эса ташқи омиллар сабаб бўлади.

2.9-жадвал

Кредит йўқотишларига таъсир қилувчи асосий омиллар²⁷

Ички омиллар	67 %	Ташқи омиллар	33 %
Таъминот етишмаслиги	22 %	Компанияни банкротлиги	12 %
Кредит аризаси таҳлил қилинганда нотўғри баҳолаш	21 %	Кредиторларни ҳақларини талаб қилишлари	11 %
Мижоз фаолиятини яхши ўрганмаслик	18 %	Оилавий муаммолар	6 %
Таъминотни ёмонлиги	5 %	Таъмагирлик	4 %
Бошқа ички омиллар	1 %		

Ссудалар бўйича йўқотишлар учун заҳираларни ташкил қилиш ва улардан фойдаланишдаги хатолар:

- ссуданинг таъминот критерияси бўйича нотўғри таснифланганлиги риск гуруҳи ўзгарганда заҳира коррективировкаси ўз вақтида амалга оширилмаганлиги;
- ташкил этилган заҳира суммасини муддати ўтган ссудалар бўйича заҳиралар ҳисобрақамига ўтказилмаганлиги;
- заҳираларнинг муддати ўтган фоизларни баланسدан чиқариш учун ишлатилмаганлиги.

²⁷ Жаҳон банки миссиясининг умумий шарҳи – Вашингтон ДС – 2000 йил 3 март

2.3. Тижорат банклари кредит операциялари ҳисоби аудити

Тижорат банкларида кредит операцияларини аудит қилишда уларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этирилишини текшириш муҳим аҳамият касб этилади. Чунки ҳар бир кредит операцияси бажарилиши учун бухгалтерия ҳисобварақларида акс этирилиши лозим бўлади.

Кредит операциялари ҳисобини текширишда қуйидаги жадвалда келтирилган меъёрий ҳужжатлар талабларининг бажарилиши ўрганилади.

2.10-жадвал

Тижорат банкларида кредит операциялар ҳисобини юритиш учун асос бўлган меъёрий ҳужжатлар²⁸

	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 декабрда № 1435-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида кредитларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом.
Тижорат банкларида кредит операциялар ҳисобини юритиш учун асос бўлган меъёрий ҳужжатлар	Банкларнинг активлари бўлган кредитлар Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тартиби тўғрисида Низом (рўйхат рақами 632, 1999 йил 11 февраль) талабларига мувофиқ таснифланади.
	Фоизларни ўстирмаслик мақоми берилган кредитларнинг бухгалтерия ҳисоби Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида Низом (рўйхат рақами 1304, 2004 йил 24 январь)га мувофиқ амалга оширилади.
	Фоизларни ҳисоблаш, кредитлар бўйича ундирилмаган фоизларни бекор қилиш ҳам инobatга олинган ҳолда “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январь)га мувофиқ амалга оширилади.
	Ва бошқа меъёрий ҳужжатлар

Банкнинг кредит операцияларини аудит қилишда қуйидаги текширишлар амалга оширилади:

✓ банкда кредит операцияларини ташкил этилиши, ҳамда кредит беришдаги ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби;

✓ кредит шартномаларидаги мажбуриятларни бажарилишини

²⁸Муаллиф томонидан тузилди

таъминлаш бўйича ҳужжатларни тўғри расмийлаштирилиши, ҳужжатларни сақлаш тартиби;

✓ кредит бериш ва қайтариш бўйича операцияларини бухгалтерия ҳисобида тўғри расмийлаштирилишини;

✓ кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни ҳисоблаш ва олишни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилишини;

✓ баланسدан муддати ўтган фоизларни ва кредит шартномаси мажбуриятлари бузилган ҳолатдаги асосий қарз суммасини ўз вақтида ўчириш (списания)ни;

✓ ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишлар резервини ишлатилиши, ўз вақтида ва тўлиқ шакллантирилишини;

✓ кредит шартномаларини бажарилиши устидан банк назорати, муддати ўтган қарздорлик бўйича банкнинг фаолияти;

✓ кредит линиялари очиш йўли билан кредитлаш операциялари ва бошқалар.

Гаров шартномаси тузилгандан кейин кредит олувчи ва банк уртасида кредит шартномаси тузилади ва кредит берилиши мумкин булади. Банк томонидан қарз олувчига кредит берилаётганда алоҳида кредит счёти олчилиши (ҳисоб-китоб рақамидан ташқари), ҳисоб китоб рақамини тухтатган ҳолда кредит ҳисобрақасми очилиши ёки ҳисоб-китоб рақамидан кредит шартномасида курсатилган миқдорда ортиқча маблағни сарфланишига рухсат берилиши мумкин.

Берилган кредитларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир кредит олувчи учун очилган 20 та рақамдан иборат кредит ҳисобрақамлари орқали юритилади.

Банк томонидан берилган кредит амалдаги қийматида акс эттирилади ва у қарздорга берилган пул маблағлари суммасини ифодалайди. Тижорат банклари кредит операциялари ҳисоби аудит текширувидан ўтаётганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилишига эътибор қаратилади.

Дт 11900-15500 (тегишли ссуда ҳисобварағи)

Кт 10301 - “Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро”

(агар маблағ олувчига бошқа тижорат банки томонидан хизмат кўрсатилса), ёки

Кт – маблағ олувчининг талаб қилиб олунгунча депозит ҳисобварағи (агар маблағ олувчига мазкур банкда хизмат кўрсатилса) ёки

Кт – 10100 – “Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари” (кредит нақд пулда берилганда).

Кредит бериш муносабати билан банк томонидан олинган воситачилик ҳақи қарздорнинг молиявий аҳволини ва инвестиция лойиҳаларини қопланишини баҳолаш, кафолатларни баҳолаш ва акс эттириш, гаров ва бошқа таъминотларни ташкиллаштириш бўйича тадбирлар, ҳужжатларни тайёрлаш ва улар билан ишлаш ҳамда битимни яқунлаш билан боғлиқ банк харажатлари компенсациясини ўз ичига олади. Шу каби воситачилик ҳақлари кредит бериш ва келгусида кредит муносабатларида қатнашишнинг ажралмас қисми бўлиб, ва уларга тегишли тўғридан-тўғри харажатлар билан биргаликда, муддати узайтирилади ва реал даромадни тузатиш (корректировка қилиш) сифатида тан олинади. Бундан ташқари, банклар кредит бериш борасида ёзма мажбурият учун воситачилик ҳақи олишлари мумкин.

Банклар томонидан кўрсатилган хизматлари учун потенциал қарз олувчилардан воситачилик ҳақи олинаётганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмасига мослиги аудит қилинади:

Дт - Қарз олувчининг талаб қилиб олунгунча депозит ҳисобварағи

Кт – 22896 “Бошқа муддати узайтирилган даромадлар”

Кредит бериш тўғрисидаги ёзма мажбурият бергани учун олинган воситачилик даромадлари, кредит шартномасини тузиши эҳтимоли мавжуд бўлган тақдирда, банкнинг кредит бериш жараёнида доимий иштирок этганлиги учун тўлов (компенсация) сифатида қаралади. Банк томонидан олинган воситачилик даромадларининг муддати, улар билан боғлиқ бевосита харажатлар билан биргаликда узайтирилади ва улар реал даромадга

тузатишлар (корректировка) сифатида тан олинади.

Қарздор томонидан кредит муддатидан олдин қайтарилса ёки кредитдан қайтариш муддатидан олдин бошқа шахс фойдасига воз кечилса, банк шу билан боғлиқ ҳар қандай кечиктирилган воситачилик ҳақини кредит қайтарилган ёки бошқа шахс фойдасига воз кечилган санасига даромад сифатида тан олади. Кредит қадрсизланишини тасдиқловчи объектив далиллар ва шароитлар аниқланган тақдирда, зарар суммаси қуйидаги икки миқдордан энг юқориси бўйича баҳоланади:

1) “Тижорат банклари томонидан активлар сифатини таснифлаш, улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ аниқланган сумма бўйича; ёки

2) Кредитнинг баланс қиймати ва кредитнинг бошланғич фоиз ставкаси бўйича дисконтланган кутилаётган бўлажак пул оқимларининг жорий қиймати ўртасидаги фарқ бўйича;

Банк кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолашни қуйидагича акс эттирилиши:

Дт 56802- “Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш”

Кт – Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси – Кредитнинг мос категорияси (контр – актив)

Агар кредит портфелининг кейинги таҳлили натижасида унинг захиралари кўрсатилган талаблардан ошса, банк захира суммасини охириги сана ҳолати бўйича аниқланган, кўрилиши мумкин бўлган зарарлар суммасига мувофиқлаштириши аудит қилиниши лозим. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилиши:

Дт – Кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси – Кредитнинг мос категорияси (контр – актив)

Кт 56802- “Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш”

Чет эл валютасида берилган кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш аввал кредит қайси валютада берилган бўлса, ўша валютада амалга оширилади. Шу тарзда, биринчи навбатда, кутилаётган хар қандай зарарларни баҳолаш чет эл валютасида амалга оширилади, кейин бу сумма Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида акс эттирилади. Кредитларни қайтариллиши қарз олувчининг асосий, шунингдек иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларидан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилиши текширилади:

Дт- Қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи

Кт – Ссуда ҳисобварағи

Агар кредит кафолат берувчи (кафил) томонидан қайтарилса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт – Кафолат берувчи (кафил) талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи, ёки

Дт 10301 – Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро

Кт – Ссуда ҳисобварағи

Кредитлар қарз олувчи томонидан нақд пулда қайтарилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилиши текширилади:

Дт 10100 – “Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари”

Кт – Ссуда ҳисобварағи

Агар кредитга фоиз ўстирмаслик мақоми берилмаган бўлса, унда кредитлар бўйича фоизлар тушуми қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилиши:

Дт- Қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи

Кт 16309 – “Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”

Фоизларни ўстирмаслик мақоми берилган кредитлар бўйича фоизлар ҳисоби Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида Низом (рўйхат рақами 1304, 2004 йил 24 январ)га мувофиқ амалга оширилади.

Активларга “ўстирмаслик” мақомини берган пайтдан бошлаб, банклар қуйидагиларни амалга оширишлари аудит қилиниши лозим:

- фоизли даромадларни баланс ҳисобварақларида ҳисоблаш тўхтатилади;

- барча ҳисобланган, лекин олинмаган фоизли даромадлар баланс ҳисобварақларидан кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига ўтказилиши лозим ва активга «ўстирмаслик» мақоми берилгандан сўнг кейинги фоизлар ҳисобланиши кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида амалга оширилади;

- ушбу активлар бўйича барча кейинги тўловлар биринчи навбатда, ҳисобланган, лекин олинмаган фоизли даромадларни, кейин эса кредитнинг асосий суммасини қоплашга йўналтирилади.

4) Ҳисобланган фоизли даромадларни кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига ўтказилиши қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дт Тегишли фоизли даромадлар ҳисобварақлари

Кт 16300 «Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар»

Дт 91500 «Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари»

Кт 96333 «(Қимматли қоғозлар бўйича) Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи» ёки

96335 «Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари контр-ҳисобварағи»

5) бошқалар

Агар қарздор томонидан олинган гаров билан таъминланмаган кредит қайтарилмаса ёки тўлиқ қайтарилмаса, у ҳолда ушбу кредитлар зарарлар учун ташкил қилинган захира ҳисобига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳисобдан чиқарилиши текшириладти:

Дт - Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси – Кредитнинг мос категорияси (контр-актив)

Кт – Ссуда ҳисобварағи

Агар қарздор томонидан олинган гаров билан таъминланган кредит қайтарилмаса ёки тўлиқ қайтарилмаса, у ҳолда банк олинган кредитни

гаровга қўйилган мол-мулк орқали ундириш ҳуқуқига эга. Ундириб олиш бўйича гаровга қўйилган мол-мулк ким ошди савдосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади. Гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан маблағлар келиб тушганда: Дт 10301- Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро - дебетланади ва Кт 29801 “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи кредитланиши.

Кредитлар бўйича асосий қарзни ва мазкур кредит бўйича ҳисобланган, лекин ҳали олинмаган фоизларни қайтариш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга ошириши:

а) Асосий қарз қайтарилганда:

Дт 29801 “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар”

Кт – Ссуда ҳисобварағи.

б) Асосий қарз тўлиқ қайтарилгандан кейин, фоизлар қайтарилаётганда:

Дт 29801 “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар”

Кт 41400-44600 - Кредитлар бўйича фоиз даромадлари

Олинган кредит гаровга олинган мол-мулкни ўз эгаллигига олиш йўли билан қайтарилган тақдирда, кредитнинг баланс қийматидан ва гаровга қўйилган мол-мулкнинг ҳаққоний қийматидан қайси бири энг кам бўлса, ўша қиймат бўйича, уни сотиш бўйича қилинган харажатларни чегирган ҳолда, лекин қайта савдодаги дастлабки сотув баҳосидан 10% кам бўлмаган суммада қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилиши:

Дт 16701 – “Кредит ва лизинг бўйича гаров ҳисобидан ундирилган мулк” Кт – Ссуда ҳисобварағи; каби бухгалтерия ёзувларига мослиги ва тартиби аудит текширирувидан ўтказилади.

II боб бўйича хулоса

Банк активларининг таркиби жаҳатдан эътибор бериладиган бўлса, банкнинг активларида банк томонидан амалга ошириладиган ссуда ва лизинг операциялари юқори салмоғни ташкил этади. Яъни 2014 йилда жами активлар таркибида ссуда ва лизинг операциялари салмоғи 70,34 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 77,1 фоизни ташкил этганлигидан келиб чиқадиган бўлсак, банк ўзининг кредит ва депозит сиёсатини мукаммал мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиққанлигини кўрамыз. Банк ўзининг ликвидлик ва тўловга лаёқатлилиқ кўрсаткичларини банк фаолиятига мувофиқлаштирилган даражада ушлаб турганлигини кўрамыз. Банк ресурсларни оптималлаштириб бориш учун албатта уларни банк активларига нисбатан тўғри таксимлаш орқали эришади. Банк активларига ресурсларини тўғри ва оптимал даражада жойлаштириш эса, банк ресурслардан қайси даражада оптимал фойдаланганлиги ва шу ресурслар келтирадиган даромад миқдорига ҳам бевосита боғлиқдир.

Ички аудитнинг таркибий қисми бўлган тижорат банклари кредит фаолиятининг аудити банк фаолиятининг самарадорлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки кредитлар тижорат банклари маҳсулотининг асосий тури ҳисобланиб, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг жорий ва инвестиция харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаига айланади. Банклар кредитлар орқали ўзларининг фаолиятини молиявий асосини яратадилар.

Тижорат банклари кредит фаолияти аудити Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва бевосита тижорат банкнинг кредит сиёсати асосланган ҳолда ўтказилади. Банк кредит фаолияти аудитининг асосий мақсади кредит операцияларини амалга оширишда ички назорат тизимининг ишончлилигини баҳолашдир.

Банкларда банкнинг кредит фаолиятини аудит қилиш дастурлари ишлаб чиқилади ва шунга асосан кредит фаолияти операциялари ва натижалари аудит қилинади. Аудит жараёнида банкнинг кредит фаолияти ўрганилиб, хато ва камчиликлар топилади. Аудитор аниқланган камчиликларни йўқотиш бўйича тавсияларини беради.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1 Тижорат банклари кредит фаолиятини аудитдан ўқизишдаги муаммолар

Банк кредити ўзининг моҳиятига кўра қийматнинг пул шаклидаги ҳаракатидир. Бу ҳаракат, аввало капиталнинг доиравий айланиши ва айланишидаги узлуксизликни таъминлашга қаратилган. Демак, кредит товар-моддий бойликлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш манбаидир. Ривожланаётган ҳорижий давлатларда ва Ўзбекистон Республикасида кредит ҳисобидан янги техника ва технологиялар сотиб олинмоқда. Бу эса миллий иқтисодиётни инқироз ҳолатидан чиқариш ва ривожлантиришнинг устивор йўналиши ҳисобланади. Янги техника ва технологиялар билан қуролланган ишлаб чиқариш объектларида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати ошади ва пировард натижада миллий даромадни кўпайишига олиб келади.

Айни вақтда, кредитдан самарасиз фойдаланиш миллий иқтисодиёт ривожига салбий таъсир қилади. Бизнинг фикримизча, ушбу салбий таъсирнинг икки асосий жиҳатини ажратиш мумкин:

1. Кредитларни олиш ҳажмининг кескин ўсиши ва уларнинг сезиларли қисмини қайтарилмаслиги муомаладаги пул массасининг ўсишига ва товар массаси билан пул массаси ўртасидаги фарқни кенгайтишига олиб келади.

2. Ҳалқаро кредитларнинг қайтмаслиги мамлакатнинг ташқи қарзини кўпайишига ва миллий даромаднинг асосий қисмини ташқи қарзни тўлашга сарфлашга олиб келади.

Кредит жараёнининг моддий асоси бўлиб, умумижтимоий маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади, ўз навбатида унинг кенгайтиши ёки қисқаришини банк ресурсларига бўлган талаб ва таклиф, ҳамда тижорат банклари операцияларини кенгайтиши ёки қисқаришини аниқлайди. Ўз навбатида тижорат банклари бўш пул маблағларини ва ташкилотлар ва аҳолини маблағларини тўплаш, уларни ссуда капиталига

айлантириш ва қайта тақсимлаш мобайнида иқтисодиётни умумий эффективлигини ошириш мақсадида капитални бир тармоқдан бошқа тармоқларга жойлаштиришни таъминлайди.

Кредит жараёнини ташкил қилиш кредитнинг моҳияти ва мазмунини ифодаловчи кредитлаш тамойилларига, ҳамда мамлакатнинг тегишли қонун ва талабларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Кредитлашнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: қайтаришлилик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадлилик.

Муддатлилик тамойили бу кредитни қайтаришлилик заруриятини ўзида ифода этади. Ушбу тамойил шу билан биргаликда нафақат қайтариш заруриятини, балки аниқланган муддатда қайтаришлиликни ифода этади, яъни белгиланган вақт оралиғи катта аҳамият касб этади.

Агар ушбу тамойилга риоя қилинмай, кредитдан фойдаланиш муддати бузилса, у ҳолда кредитнинг моҳияти бузилади, у узининг ҳақиқий мазмуни ва вазифасини йўқотади, ҳамда мамлакатнинг пул муомаласи ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кредитнинг ушбу тамойилига алоҳида эътибор бериш тақазо этилади. Буни бир қатор сабаблар билан мустаҳкамлаш мумкин:

Биринчидан, ушбу тамойилга риоя қилиш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни пул маблағлари билан нормал ҳолда таъминланишига, натижада маҳсулот ишлаб чиқаришни ўсиш ҳажми ва темпига таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, бу тамойил банкни ўзини ликвидлигини таъминланиши учун зарур ҳисобланади.

Учинчидан, ҳар бир мижозни ушбу тамойилга риоя қилиши уни банк олдида ишончини ортишига, банкдан янги кредитлар олиш имкониятини кўпайишига, натижада муддати ўтган кредитлар учун оширилган фоиз ставкаларини тўламасдан ўзларини тижорат мақсадларини амалга оширишга кенг имконият яратади.

Қайтариш муддатига кўра кредитлар қисқа, ва узоқ муддатли кредитларга бўлинади.

Кредитларнинг қайтмаслиги банк балансининг қониқарсиз бўлишини асосий сабабларидан бири бўлади, шунинг учун кредитларни асосий массаси таъминланган ҳолатда берилади.

Таъминланганлик кредитни тўлиқ қайтарилишини таъминламайди, лекин рискни маълум даражада енгиллаштиради.

Яқин йилларгача кредитни таъминлашда фақат кўчмас мулклар ҳисобга олинади. Ҳозирги кунда мулк ёки қимматли қоғоз гарови, банк ёки суғурта ташкилоти кафолати, учинчи шахснинг кафиллиги, кредитни қайтара олмаслигини суғурталовчи суғурта полиси, заргарлик буюмлари, эркин алмашувчи валюталар таъминланганлик предмети бўлиши мумкин.

Мақсадлилиқ тамойили шуни англатадики, олинган ҳар бир кредит талабномасида кўрсатилган ва шартнома келишилган мақсадларга ишлатилиши шарт. Мақсадли ишлатиш тамойилини хусусияти шундаки, биринчидан банк кредит олишдан олдин кредит объектини тўлиқ таҳлил қилади ва кредит объектини ликвидлилиги ёки ишлаб чиқариш бўлса, уни келажакдаги ҳолати таҳлил қилингандан сўнг кредит бериш лозим деб топилса кейингина текширилган мақсадга берилади. Бу ҳолат кредит қайтмаслиги таваккалчилигини олдини олишга ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, регионга нисбатан таҳлил қилинади. Ушбу мақсадли кредит фойдаланиш қайси соҳани ривожлантиради, регионда ушбу турдаги маҳсулот чиқариладими деган саволларга жавоб изланади. Натижада регионни ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Агар кредит олувчи олинган кредитни бошқа мақсадга ишлатса, у ҳолда кредитни принципи бузилиб, қайтиш таваккалчилиги ортади, яъни банк учун ноаниқ, таҳлил қилинмаган мақсадни натижаси салбий ҳолатлар келтириб чиқариши мумкин.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида банк тизими ва унинг муҳим бўғини бўлмиш тижорат банклари олдига бозор конъюктураси ўзгариши

талабларига мослашган ҳолда молиявий-иқтисодий мураккабликларни енгиш, банклараро рақобат курашида рақобатбардош бўлиш ҳамда улар фаолиятини янада ривожлантириш вазифаларини қўймоқда. Мазкур вазифаларни удаланиши тижорат банклари молиявий натижаларини таҳлил қилишни ўрганиш, улар даромадлари барқарор ўсишини таъминлашни ва умуман банк молиясини моҳирона бошқаришни талаб этади. Бунинг учун банкларда аудитни, хусусан ички аудитни такомиллаштириш масалалари бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.


Магистрлик ишимизнинг олдинги бобларида айтиб ўтилганидек, бозор иқтисодиёти шароитида банк тизимининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни салмоқли бўлишида бошқарувнинг таркибий қисми бўлган ички аудитга назоратнинг зарур элементи сифатида ёндашиш муҳимдир. Зеро, ички аудит банкларнинг молиявий ҳолатини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолашга, бозор эҳтиёжларини аниқлаш ва шу тариқа банкларнинг иш самарадорлигини оширишда улар учун бозорда самарали рақобат муҳитини яратишда катта ёрдам беради. Тадбиркорлик фаолияти жараёнида даромад олиш, иқтисодий субъектлар ривожланишининг оптимал траекториясига эришиш учун энг мақбул воситалар зарурлиги боис, аксарият мулкдорлар ички аудит хизматининг мавжуд бўлишидан манфаатдордирлар. Аммо банкнинг ички аудитини, шунингдек, банкларда кредит фаолияти аудитини халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган даражада ташкил қилиш учун ҳозирги шароитда бир қанча муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни 2 асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тижорат банкларида ички аудит хизматини ташкил этишдаги муаммолар;

2. Тижорат банклари кредит фаолиятини аудитдан ўтказишдаги муаммолар.

Тижорат банкларида ички аудит хизматини ташкил этишдаги муаммоларни кўриб чиқишдан олдин қуйидаги чизмани келтириб ўтишни

ЛОЗИМ ТОПДИК.



3.1-расм. Тижорат банклари тузилишида ички аудит хизматининг роли.²⁹

Расмдан шу нарса кўринадики, ички аудит хизмати бўлими асосан Банк Бошқарувига бўйсунди. Бундай ташкилий тузилишда бир қанча муаммолар мавжуд. Марказий банкнинг 1999 йилда тасдиқланган 405-сонли «Тижорат банклари ички аудитига қўйилган талаблар тўғрисида»ги низомга мувофиқ Аудит Қўмиталари фаолиятини ва умуман Банк Кенгашлари фаолиятини қайтадан кўриб чиқилган. Банк кенгашларнинг фаолиятини кўриб чиқишнинг сабаби шундан иборатки, шу масала бўйича 2 октябрь 1998 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги 24-сонли ҳамда 2000 йилдаги 104-сонли қарорлари билан банк кенгашлари ички аудит хизматини ташкил қилишни тубдан ўзгартириш кўзда тутилган эди.

Аmmo амалиётда Банк Кенгаши фаолиятида ва банк ички аудит хизматини ташкил қилишда кутилган ўзгаришлар тўлиғича амалга

²⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

оширилмади. Чунки йирик тижорат банклари кенгаш аъзолари аввалгидек давлат органи, вазирликлар, корпорациялар ва Марказий банк аъзоларидир.

Бундай шароитда Кенгаш аъзоларининг юқори лавозимлари ва мавқеи банк ички аудит хизмати устидан назорат қилишга, уни зарур даражада ташкил қилишга вақтлари ҳам бўлмайди. Бундан қуйидаги муаммолар келиб чиқади:

- қарорлар қабул қилинишида акционерлар ва Банк Кенгаши ролининг пастлиги;
- банкнинг стратегик ва тактик бошқарув жараёнида Банк Кенгаши аъзоларининг назоратни бўш олиб бориши;
- банк бошқаруви ижро органларининг ички аудит бўлими фаолиятида ролининг устунлиги;
- акционерлар ва Банк Кенгашига ижро органларининг расмий характердаги муносабатининг мавжудлиги;
- банк иши назарияси ва амалиётига доир етарли билимларнинг йўқлиги Банк Кенгаши аъзоларига ички аудит материалларини малакали таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда иштирок этиш имконини бермайди;
- кўзга кўринган олимлар ва амалиётчиларнинг ҳозиргача Банк Кенгашига жалб қилинмаганлиги.

Бу муаммоларнинг таҳлилидан шундай хулосаларга келиш мумкин:

Банк Кенгаши ролининг ўзгариши мулк шакли ва акционерлар таркибига боғлиқдир:

- хусусий ва қўшма банкларда Банк Кенгашининг роли етарли даражада юқори. Чунки хусусий банкларда акционерларнинг банк фаолияти натижаларидан бевосита манфаатдорлиги мавжуд. Бундай банкларда Банк Бошқарувининг Банк Кенгашига масъулияти ва жавобгарлиги таъминланган бўлиб, Банк Бошқарувининг Банк Кенгаши билан ўзаро алоқаси Аудиторлик Қўмитаси ҳамда ички аудит хизмати орқали амалга оширилади.

- давлат улуши юқори бўлган йирик банкларда Банк Кенгашининг роли паст ва банк менежменти жараёнидаги иштироки расмий характерга эга. Давлат улуши мавжуд йирик банкларда бошқарувчиларнинг ишга олиниши ва лавозимидан озод қилиниши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Бундай банкларда Банк Кенгашининг кўпчилик аъзолари моддий рағбатлантирилмайди.

Тижорат банклари кредит фаолиятини аудитдан ўтказишдаги муаммоларни қуйидагича ёритиб бериш мумкин:

1. Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлашда муаммолар мавжуддир. Кредит сиёсати пастдан юқorigа қараб тузилиши керак. Аввал туман, кейин вилоят банкларида кредит сиёсати лойиҳалари тузилади ва республика банкларига берилади ҳамда Банк Кенгашида кўриб чиқилгандан сўнг тасдиқланади. Тасдиқланган кредит сиёсати банкларга туширилади. Аммо бизнинг банкларимиз амалиётида туман, вилоят банкларидан лойиҳалар олинмасдан, республика банкларида ўтган йилнатижаларига кўра кредит сиёсати тузилади.

2. Кредитнимониторинг қилишда бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, улар ўз вақтида тўғри ўтказилмайди.

3. Бугунги кунда шаклланган ички аудит хизмати фаолияти Марказий банк йўриқномалари ва низом талабларига кўра олиб борилмоқда. Бироқ, кредит фаолиятини аудитдан ўтказишда норматив ва меъёрий ҳужжатларнинг кўплиги аудиторга қийинчиликларни олиб келмоқда. Аудит ўтказишда чалкашликлар рўй бериш ҳоллари кузатилмоқда. Банк аудитини халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган даражада ташкил қилиш учун ҳозирги шароитда ҳаракатдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилмоқда.

4. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида ички аудит назарияси банк тизимида амалиётдан ортда қолаётганлиги туфайли тижорат банкларида ички аудит хизмати олдига қўйилган вазифалар амалга оширилмаяпти. Республикамизда 1996 йилда «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун

қабул қилинди ва аудит фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Аммо, ички аудитни ташкил қилиш, унинг услубиёти ва ҳуқуқий жиҳатлари ушбу конунда ўз аксини топмаган.

Банкларни кредит фаолиятини текшириш амалда шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда банкнинг ички инструкторив материаллари ва низомлари ишлаб чиқилмаган. Буларга кредит бўлимининг низоми ва мансабдор шахсларни меъёрий ҳужжатлари, бурчларини тақсимоти ва кредит бериш тўғрисида кўрсатма, кредит қўмитасини қарори кабилар текширилишидир. Буларни борлиги банкларда кредит иши юритувчисини рационал ташкил қилишга ёрдам беради ва ходимларни ўз вазифаларига бўлган масъулиятини оширади. Кредит бериш учун шартномага ҳулоса ясашга ва ишлаб чиқиш жараёнида банклар томонидан ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий характердаги хатоларга йўл қўйилмоқда. Кўп ҳолларда банкдан қабул қилинаётган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги ёки тўла расмийлаштирилмагани аниқланмоқда.

Асосан қарздорни ҳисобот даврига бўлган баланси, техник иқтисодий ҳулосалари, кредитни қайтиши учун қўшимча кафолатлар ва бошқа нарсалар етишмаслиги ҳолати учрамоқда. Юқори миқдордаги кредитларни беришда кредит ва ҳуқуқий бўлимлар томонидан ҳамма вақт ҳам ҳуқуқий ва иқтисодий асосдаги кредит мақсадлилиги тўғрисида ёзма ҳулосалар қилинмаяпти. Кредит олиш учун берилаётган ҳужжатлар баланс, техник иқтисодий асослар, савдо-сотик бўйича шартномалар ҳар доим ҳам қарз олувчини ноаниқ муҳри ёки мансабдор шахсни имзосини йўқлигини аниқлашимиз мумкин. Кредит шартномаларига кўп ҳолларда банк ходимлари томонидан имзо қўйилмаганлиги, баъзи бир ҳолларда муҳр босилмаганлик ҳоллари аниқланмоқда. Кўп ҳолларда кредит шартномаларининг баъзи бирлари муддатли тўлов мажбурияти билан расмийлаштирилмайди. Қўшимча кафолатларга етарлича диққат билан қаралмайди.

Бошқа банк ёки корхонанинг кафолати асосида кредит беришда кафолат мажбуриятлари кафолат берувчини баланси чуқур таҳлил қилинмаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бошқа банк корхоналарнинг кафолатлари асосида кредит

беришда хатоларга йўл қўйилмоқда. Кўп ҳолатларда катта миқдордаги кредитлар банкнинг пайчиларига берилади.

Булар асосан бир-бирига келишилган ҳолда кафолатлаб бериб, баъзи бир ҳолларда банкка ҳеч қандай ҳужжатлар бермайди. Натижада шу йўл билан берилган кредитлар бир неча марта пролангация, яъни муддати узайтирилади. Қарздорнинг гаров мажбуриятларини расмийлаштиришда керакли даражада диққат қаратилмаган. Шу нарсалар аниқланганки, ўзининг хусусий бўлмаган дала ҳовлисини деб гаровга қўйган ва шунга қарамасдан унга кредит ажратилган. Гаровга қўйиладиган маҳсулотни сертификати, нархи тўғрисидаги маълумот ва яна керакли бошқа суғурта ҳужжатлари етишмайди. Суғурта ҳужжатлари кераклича тўла бўлмаслиги ва нотўғри расмийлаштирилиши кўп учрайди. Айрим ҳолларда суғурта бадалини қарз олувчи томонидан тўламаганлиги сабабли суғурта шартномаси юридик кучга эга бўлмайди ва натижада берилган кредит ҳақиқатдан суғурталанмаган бўлиб қолади. Кўп ҳолларда бундай кредитлар бир неча маротаба муддати узайтирилади ёки муддати ўтган ссудалар қаторига киритилади.

Ҳозирги кунда суғурта компаниялари ўз мажбуриятлари устидан чиқа олмай, банкротлик даражасига ҳам боришмоқда. Бу эса банкнинг кредитларни қайтмаслик хатарини юқори даражадалигини кўрсатади.

3.2 Тижорат банклари кредит фаолияти аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари


Илмий тадқиқот натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, Банк Кенгаши ишини самарали ташкил қилиш учун молия ва банк иши соҳасидаги тажрибали олимлар ва мутахассисларни шартнома асосида мақсадли жалб қилиш керак. Лекин бу тадбирларни амалга ошириш банк харажатларининг ошиб кетишига олиб келади.

Иккинчидан, хусусий банкларда Банк Кенгашининг иши самарали ташкил қилинган ва банк бошқарувидаги иштироки юқори даражада, шундай экан, банкларни хусусийлаштириш лозим.

Учинчидан, банкларда ички аудит хизматининг Банк Кенгашига расмиятчилик юзасидан бўйсунушига барҳам бериш керак. Амалда ҳозиргача ички аудит хизмати Банк Бошқарувига бўйсунди. Шунинг учун бош банкнинг фаолияти ҳаққоний назорат қилинмайди.

Тўртинчидан, барча банк филиалларида ички аудит хизмати ходимлари тўғридан-тўғри банкнинг бош аудиторига бўйсунуши керак. Қуйидаги чизма орқали буни кўришимиз мумкин:



3.2-расм. Банк ички аудит хизматининг ташкилий тузилиши.³⁰

Илмий тадқиқот натижасида аниқланган муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш бир қатор жиддий тадбирларни амалга оширишни тақазо қилади:

Биринчидан, кредит сиёсатини пастдан юқorigа қараб тузилиши керак. бу эса пировард натижада тижорат банклари кредит фаолиятини самарали ташкил қилишга олиб келади.

Иккинчидан, кредит фаолияти бўйича норматив ва меъерий ҳужжатларни соддалаштириш ва баъзиларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда халқаро ҳуқуқ меъерларига мослаштириш керак. Ўзбекистонда тижорат банклари ички аудит тизими фаолияти “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги

³⁰Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

конунга, аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи қарор, низом ва аудиторлик стандартлари каби меъёрий ҳужжатларга асосланган бўлиб, улар асосан ташқи аудиторлик фирмалари учун мўлжаллангандир. Бундай ҳолат ички аудитнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Ривожланган мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган стандартлардан келиб чиққан ҳолда, аудитнинг мавжуд ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, айнан ички аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, тижорат банклари ички аудит хизмати ходимларининг малакасини халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам ошириб бориш зарур.

Бешинчидан, текширув жараёнини тўғри ташкил этиш учун ички аудиторлик стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни шакллантириш ички аудит фаолиятини етарли даражада баҳолаш имкониятини яратади. Иш самарадорлигини ошириш учун мазкур жараёнда ташқи аудиторлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш лозим.

Аудиторлик текшируви катта эътибор билан режалаштирилиши, унинг ўтказилиши махсус ҳужжатлар билан бирга аудиторлик ҳисоботида акс эттирилиши лозим. Банк аудитори ҳужжатларни тўплаш ва танлаб текширишда маълум талабларга амал қилиши керак. Аудиторлик текширувини ўтказиш мобайнида ўз-ўзини бошқаришни ҳам йўлга қўйиш талаб этилади.

Хорижий давлатларнинг аудиторлик фаолиятидаги тажрибасига таянган ҳолда, тижорат банклари ва кредит ташкилотларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасида банк аудитини ўтказишда қўлланиладиган стандартларни қуйидаги тартибда мослаштиришни тавсия этамиз:

- 1) кредит ташкилотларининг аудитини ҳужжатлаштириш;
- 2) кредит ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида оғишишлар мавжудлигини баҳолаш.

- 3) аудиторлик рискени минималлаштириш ва баҳолаш.
- 4) аудиторлик танлаб текширишининг ҳажми, параметри ва услублари.
- 5) фирманинг ички назорат сифатини таъминлаш учун аудиторлик фирмаси ходимларининг ҳаракатлари.

Улардан биринчи стандартни кўриб чиқамиз:

Стандартнинг мақсади аудиторлик иш ҳужжатларининг ягона шаклини аниқлаш, уларнинг сақланиши учун талаблар ўрнатиш ҳисобланади. Стандартнинг вазифаси кредит ташкилотларини аудит қилишда аудиторлик иш ҳужжатларининг ягона шаклини аниқлаш; аудиторлик иш ҳужжатларининг сақланиши ва қўлланиши бўйича аудиторларнинг ҳаракатларини аниқлаш ҳисобланади. Кредит ташкилотини аудит қилишда олинган маълумотлар аудиторнинг иш ҳужжатларида акс эттирилган бўлиши лозим.

Аудиторнинг иш ҳужжатлари алоҳида тўлдирилган жадваллар ва ҳужжатлар шаклида бўлади ва улар тушунтиришлар, изоҳлар, кредит ташкилоти раҳбарларининг аризалари, керак бўлса фото суратлари, кредит ташкилоти ҳужжатларига таклифлар, маълум маънога эга бўлган ҳужжатлар ва аудиторлик текшируви раҳбарларининг талаби бўйича унда иштирок этувчи аудиторлар рўйхатидап ташкил топинш керак. Ушбу стандартга кўра мажбурийлигига қараб аудитнинг иш ҳужжатларига доир ҳужжатлар мажбурий ва опцион турларга булинади.

Мажбурий ҳужжатларга куйидагилар киради:

- кредит ташкилотини аудит ўтказиш режаси;
- кредит ташкилотини аудит ўтказиш дастури;
- ички банк рискени баҳоловчи тўлдирилган жадвал;
- назорат рискени баҳоловчи тўлдирилган жадвал;
- кредит ташкилоти бухгалтерия балансида оғишишлар мавжудлиги даражасини баҳоловчи тулдирилган жадвал;
- "бажарилган аудиторлик ишлари" шаклидаги жадвал натижаларидан олинган текширишнинг ҳажми ва параметрлари, текшириш усулларини

таърифлаш;

- иқтисодий меъёрлар ва уларни тўғрилаш бўйича тўлдирилган жадвал;

- кредит ташкилотининг кредит сиёсати тўғрисидаги маълумотлар;

- кредит ташкилоти томонидан қимматли қоғозлар бўйича муомалалар амалга оширилганда, бошқарув рисклари маълумотлари, қимматли қоғозларнинг нархини йўқотилиши бўйича ташкил этилган резервлар ҳақида маълумотлар.

Аудиторнинг иш хужжатлари тартибли бўлиши ва ундаги маълумотлар осон ўқиладиган ҳамда бир хил бўлиши лозим.

Аудиторлик хулосасини тузиш учун аудиторлик ҳисоботлари муҳим асос ҳисобланади. Аудиторлик текширувининг асосий қисми аудиторлик маълумотларининг турларини, усулларини ва манбаларини аниқлаш ҳисобланади. Аудиторлик фирмалари қандай усуллардан фойдаланиши на уларни тасдиқлаш учун асослари аудиторлик хулосасининг ишончлилигини тан олишга аниқлик киритади.

Бухгалтерия ҳисоботининг ишончлилиги тўғрисида асосли фикр ҳосил қилиш учун аудитор етарлича аудиторлик далилларини олиши лозим. Булар:

- а) бухгалтерия ҳисобида муомала ва қолдиқларнинг тўғри акс эттирилишини синчиклаб текшириш;

- б) аналитик ишлар;

- в) ички назоратни текшириш.

Банк аудитори аудиторлик дастурида аудиторлик далилларини тўплаш учун қанақа аудиторлик амалиётига эга ва уларнинг ҳажмига эътиборини қаратиши лозим. Аудиторлик текшируви учун маълумотларнинг қатъий ҳажми белгиланмаган. Аудитор ўзининг касбий қобилиятидан келиб чиққан ҳолда, банкнинг бухгалтерия ҳисоботи ҳақида хулоса бериши учун маълумотларнинг ҳажмини мустақил равишда белгилайди. Аудиторлик далилларини олиш усулларини аниқлашда молиявий маълумотлар огишиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

Аудиторлик далиллари ички, ташқи ва аралаш бўлиши мумкии.

Ички аудиторлик далиллари иқтисодий субъектдан оғзаки ёки ёзма шаклда олинishi мумкин.

Ташқи аудиторлик далиллари учинчи шахслар томондан ёзма шаклда олинади(одатда аудиторнинг ёзма сўровига кўра).

Аралаш аудиторлик далилига ёзма ёки оғзаки тарзда иқтисодий субъектдан олинган маълумотлар ҳамда ёзма тасдиқланган шаклда учинчи шахслардан олинган маълумотлар киради.

Аудиторлик фирмаси учун ташқи аудиторлик далили энг ахамиятли ва ишончли ҳисобланади. Кейинги ўринларда эса аралаш ва ички аудиторлик далиллари туради. Аудиторлик далиллари ишончли ва етарли бўлиши лозим. Уларнинг етарлилиги ҳолатига қараб, ички назорат тизими баҳосига ва риск даражасига қараб белгиланади. Аудитор объектив ва асосли хулоса тузиши учун етарли даражада сифатли далиллар тўплаши керак. Аудиторлик фирмасининг ўзи тўплаган далиллари, одатда, иқтисодий субъект тақдим этган маълумотлар дан ишончлироқ ҳисобланади. Шунинг билан бирга ёзма шаклдаги ҳужжатлар оғзаки олинган далиллардаи ишончлироқ ҳисобланади. Аудитор томонидан тўпланган далиллар бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш бўйича қайдномаларда, бланкаларда, жадвал ва баённомаларда акс эттирилиши лозим. Олинган далил маълумотлари аудиторлик хулосасини тузишда ва текшириладиган банк раҳбариятига аудит натижалари бўйича ҳисобот беришда фойдаланилади.

Аудиторлик ҳисоботи маълумотларини олиш манбалари қуйидагилардан иборат: банк ва учинчи шахсларнинг бирламчи ҳужжатлари; банкнинг бухгалтерия ҳисоби регистрлари; банкнинг молиявий хўжалик фаолияти таҳлили натижалари; банк ва учинчи шахсларининг оғзаки маълумотлари; банк маълумотларини бир-бири билан ва учинчи шахс маълумотлари билан таққослаш; банк мулкениинг инвентаризацияси натижалари; йиллик бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар. Аудиторлик ҳисоботининг сифати у олинган манбага боғлиқ. Аудиторлар учун тўғридан-

тўғри ўзлари текширган хўжалик муомалалари натижалари энг кимматли ҳисобланади. Аудиторлик ҳисоботининг етарлилигини аниқлаш аудиторлик rischi даражасига, мустакил манбалардан гувоҳларнинг мавжудлигига борлиқ. Агар аудитор турли манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланса, у ҳолда аудиторлик rischi даражаси камаяди ва аксинча аудиторларга иқтисодий субъект томонидан тақдим этилган маълумотлар етарли бўлмаса ва у бирор ҳисоб ёки муомала бўйича етарли маълумотларни йиға олмаса, аудиторлик фирмаси бу ҳолатни ҳисоботда (раҳбариятга) акс эттириши ва бу масалага аудиторлик хулосасини бсришда эътибор бериши лозим. Агар учинчи шахслардан олинган маълумотлар банкнинг ҳисоб маълумотлари билан бир хил бўлмаса, аудитор бу фарқнинг сабабларини аниқлаш мақсадида қўшимча чоралар қўриши лозим. Бунда банк ходимлари, банк раҳбарларини ва учинчи шахслар орзаки сўровдан ўтказилади. Банк ходимлари ва раҳбарларини ҳамда учинчи шахсларни орзаки сўровдан ўтказиш аудиторлик текширувнинг ҳамма босқичида амалга оширилиши мумкин. Орзаки сўров натижалари баённома ёки қисқа тушунтириш тарзида ёзиб борилиши, унда сўровни амалга ошираётган аудитор ва сўровдан ўтаётган шахснинг исми-фамилияси кўрсатилиши шарт.

Айрим сўровларни ўтказиш учун аудиторлик фирмаси сўровлардан ташкил топган варақалар тайёрлаши мумкин. Бу варақаларда сўровдан ўтаётган шахснинг берган жавоби қайд этилади. Оғзаки сўров натижаларининг ёзма шакли аудиторлик текширувнинг бошқа ҳужжатларига илова қилиниши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, таклиф этилган тадбирларни амалиётга қўллаш орқали банкларда аудитни янада ривожлантиришга эришиш мумкин.

III боб бўйича хулоса

Аудиторлик ҳисоботи маълумотларини олиш манбалари куйидагилардан иборат: банк ва учинчи шахсларнинг бирламчи ҳужжатлари; банкнинг бухгалтерия ҳисоби регистрлари; банкнинг молиявий хўжалик фаолияти таҳлили натижалари; банк ва учинчи шахслариинг оғзаки маълумотлари; банк маълумотларини бир-бири билан ва учинчи шахс маълумотлари билан таққослаш; банк мулкенинг инвентаризацияси натижалари; йиллик бухгалтерия ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар. Аудиторлик ҳисоботининг сифати у олинган манбага боғлиқ. Аудиторлар учун тўғридан-тўғри ўзлари текширган хўжалик муомалалари натижалари энг кимматли ҳисобланади. Аудиторлик ҳисоботининг етарлилигини аниқлаш аудиторлик rischi даражасига, мустакил манбалардан гувоҳларнинг мавжудлигига борлиқ. Агар аудитор турли манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланса, у ҳолда аудиторлик rischi даражаси камаяди ва аксинча аудиторларга иқтисодий субъект томонидан тақдим этилган маълумотлар етарли бўлмаса ва у бирор ҳисоб ёки муомала бўйича етарли маълумотларни йиға олмаса, аудиторлик фирмаси бу ҳолатни ҳисоботда (раҳбариятга) акс эттириши ва бу масалага аудиторлик хулосасини бсришда эътибор бериши лозим. Агар учинчи шахслардан олинган маълумотлар банкнинг ҳисоб маълумотлари билан бир хил бўлмаса, аудитор бу фарқнинг сабабларини аниқлаш мақсадида қўшимча чоралар кўриши лозим. Бунда банк ходимлари, банк раҳбарларини ва учинчи шахслар орзаки сўровдан ўтказилади. Банк ходимлари ва раҳбарларини ҳамда учинчи шахсларни орзаки сўровдан ўтказиш аудиторлик текширувнинг ҳамма босқичида амалга оширилиши мумкин. Орзаки сўров натижалари баённома ёки қисқа тушунтириш тарзида ёзиб борилиши, унда сўровни амалга ошираётган аудитор ва сўровдан ўтаётган шахснинг исми-фамилияси кўрсатилиши шарт.

ХУЛОСА

Магистрлик ишини ёзиш жараёнида амалга оширилган амалий таҳлил натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

1. Ички аудит банкларнинг молиявий ҳолатини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолашга, бозор эҳтиёжларини аниқлаш ва шу тариқа банкларнинг иш самарадорлигини оширишда улар учун бозорда самарали рақобат муҳитини яратишда катта ёрдам беради. Тадбиркорлик фаолияти жараёнида даромад олиш, иқтисодий субъектлар ривожланишининг оптимал траекториясига эришиш учун энг мақбул воситалар зарурлиги боис, аксарият мулкдорлар ички аудит хизматининг мавжуд бўлишидан манфаатдордирлар.

2. Ички аудитнинг асосий вазифаси банк бошқаруви томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлик даражаси ҳамда рискларни даромадлилик даражаси билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш, банк самарадорлигини ошириш мақсадида дастурий маҳсулотлар сифатини ҳуқуқий жиҳатдан текшириш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифларни банк бошқарувига тақдим этишдан иборат.

3. Ички аудит хизматининг фаолияти икки йўналишдан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси, банк фаолияти натижаларини, иккинчиси, банк фаолияти самарадорлигини баҳолашдан иборат.

4. Ички аудитнинг таркибий қисми бўлган тижорат банклари кредит фаолиятининг аудити банк фаолиятининг самарадорлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки кредитлар тижорат банклари маҳсулотининг асосий тури ҳисобланиб, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг жорий ва инвестиция харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаига айланади. Банклар кредитлар орқали ўзларининг фаолиятини молиявий асосини яратадилар.

5. Тижорат банклари кредит фаолияти аудити Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва бевосита тижорат банкининг кредит сиёсатиغا асосланган ҳолда ўтказилади. Банк кредит фаолияти аудитининг асосий

мақсади кредит операцияларини амалга оширишда ички назорат тизимининг ишончилигини баҳолашдир.

6. Банкларда банкнинг кредит фаолиятини аудит қилиш дастурлари ишлаб чиқилади ва шунга асосан кредит фаолияти операциялари ва натижалари аудит қилинади. Аудит жараёнида банкнинг кредит фаолияти ўрганилиб, хато ва камчиликлар топилади. Аудитор аниқланган камчиликларни йўқотиш бўйича тавсияларини беради.

Банкнинг ички аудитини, шунингдек, банкларда кредит фаолияти аудитини халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган даражада ташкил қилиш учун ҳозирги шароитда бир қанча муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни 2 асосий гуруҳга ажратган ҳолда ўрганиб чиқдик:

1.Тижорат банкларида ички аудит хизматини ташкил этишдаги муаммолар:

- банкнинг стратегик ва тактик бошқарув жараёнида Банк Кенгаши аъзоларининг назоратни бўш олиб бориши;
- Банк Бошқаруви ижро органларининг ички аудит бўлими фаолиятида ролининг устунлиги;
- Акционерлар ва Банк Кенгашига ижро органларининг расмий характердаги муносабатининг мавжудлиги;
- банк иши назарияси ва амалиётига доир етарли билимларнинг йўқлиги Банк Кенгаши аъзоларига ички аудит материалларини малакали таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилишда иштирок этиш имконини бермайди;
- кўзга кўринган олимлар ва амалиётчиларнинг ҳозиргача Банк Кенгашига жалб қилинмаганлиги.

2.Тижорат банклари кредит фаолиятини аудитдан ўтказишдаги муаммолар:

- кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни тасдиқлашдаги муаммолар;
- кредитнимониторинг қилишдаги муаммолар;

- кредит фаолиятини аудитдан ўтказишда норматив ва меъёрий ҳужжатлар билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Илмий тадқиқот натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофиқ деб топдик:

1. Банк Кенгаши ишини самарали ташкил қилиш учун молия ва банк иши соҳасидаги тажрибали олимлар ва мутахассисларни шартнома асосида мақсадли жалб қилиш керак.

2. Хусусий банкларда Банк Кенгашининг иши самарали ташкил қилинган ва банк бошқарувидаги иштироки юқори даражада, шундай экан, банкларни хусусийлаштириш лозим.

3. Банкларда ички аудит хизматининг Банк Кенгашига расмийлик юзасидан бўйсунушига барҳам бериш керак

4. Барча банк филиалларида ички аудит хизмати ходимлари тўғридан-тўғри банкнинг бош аудиторига бўйсунуши керак.

5. Кредит сиёсатини пастдан юқорига қараб тузилиши керак

6. Кредит фаолияти бўйича норматив ва меъёрий ҳужжатларни соддалаштириш ва баъзиларига ўзгартиришлар киритиш ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослаштириш керак.

7. Кредит фаолияти аудит қилинаётганда кредитнинг мақсадлилиги ва жорий маниторингини ҳеч бўлмаганда танланма асосида жойига бориб текшириб куриш лозим.

8. Тижорат банклари ички аудит хизмати ходимларининг малакасини халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам ошириб бориш зарур.

9. Тижорат банклари фаолиятини тезкор аудит қилиш, банкнинг фаолиятини баҳолаш учун дастурий таъминот ишлаб чиқиши керак

Хулоса қилиб айтганда, илмий тадқиқот натижасида аниқланган муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш ва ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштиришда таклиф этилган тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, янги таҳрирда 2000 йил 26 май.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 1996, йил 30 август.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» Қарори, 2007 йил 4 апрель.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори 2008 йил 2 июл.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» қарори, 2000 йил 22 сентябрь.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори, 2000 йил 24 март.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1317–сонли Қарори

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1438- сонли Қарори

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги 1834–сон йўриқнома 2008 йил 11 июл.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» № 773–17–сон 2004 йил 13 август.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида”ги 403-сонли Низом 2000 й. 26 июнь.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар» 405-сонли Низом, 2000 й. 25 ноябрь.

15. Ўзбекистон Республикаси «Аудитнинг миллий стандартлари»: 3-АФМС, 5-АФМС, 6-АФМС, 9-АФМС, 10-АФМС, 11-АФМС, 13- АФМС, 14-АФМС, 16-АФМС, 24-АФМС, 25-АФМС, 31-АФМС, 50-АФМС, 55-АФМС, 56-АФМС, 60-АФМС, 70-АФМС, 80-АФМС, 90-АФМС.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилнинг асосий яқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. 2014 йил январ

17. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013 й. 64 б.

18.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

19.Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011 – 48 бет.

20.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон. 2010. 80 бет

21.Каримов И.А. “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида” Ўзбекистон. 2005.

IV. Асосий адабиётлар

22.Андронов А. М. «Финансовая отчетность банка: практическое руководство по организации бухгалтерского учета и отчетности». - М. : Менатеп. - Информ, 1995. - 459 с.

23.Аудит банков. Под ред. Белоглазовой Г.Н., Кроливецкой Л.П., Лебедева Е.А., Учеб.пособие / - М. : Финансы-и статистика/, 2001. -352 с.

24.Белоцерковский В.И., Федорова Е.А., Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебник. М-ЗАО “Издательство Экономика” 2005-294с.

25.Бычкова С.М. Международные стандарты аудита. Учебное пособие.М.: Проспект, - 2008, 432.

26.Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методикаси. Монография. Тошкент: молия, 2011. -188б.

27.Гермасимова Е.Б., Мельник М.В. “Основы банковского аудита” Ўқув кулланма/ Москва – 2008. 221 б.

28.Дустмурадов Р.Д. «Аудит асослари» Дарслик «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти -2003 й.

29.Ефремова Л.С., Купрюшина Т.А., Тамур И. И., Богданкевич О.А., Савчук Т.К. «Банковский аудит» /Ўқув қўлланма/ Минск-2007. 389 б.

30.Ибрагимов А.К ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма.Тошкент, Молия. – 2010, 272б.

31.Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари, Тошкент:ТМИ. 2004, -348б.

32.Международные стандарты аудита в Казахстане. В 2 том – Алматы: Раритет-2001. 372.

33.Международные стандарты аудита. Учебное пособие. /Жарилгасова Б.Т. М: КНОРУС, - 2008, 400.

34.Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими –Т.: Ўзбекистон, 2001.–224 б.

35.Мусаев Ҳ.М. “Аудит” Дарслик. – Т. : 2003,

36.Норқобилов С, Ортиқов У, “Банк аудити”. Т.: 2004- 108 б.

37.Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. М.: Инфра–М, 2004. – 472 с.

38.Смиронова Л. Р. Банковский аудит : Учебное пособие для вузов/ Л.Р.Смирнова; Ред. М.И.Баканов. -М: Финансы и статистика, 2001. -448 с.

39.Тулаходжаева М.М, Илҳомов Ш. И. “Аидит”. Тошкент – “NORMA”- 2008й.

40.Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. М.ИНФРА-М, 2006.-448с.

V. Қўшимча адабиётлар

41.Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. –224 б.

42.Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD – MOLIYA ”, 2009 й. – 548 бет.

43.Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2003.–305 б.

44.Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. –М.: КНОРУС, 2008. – 768 с.

45. Банковское дело: Учебник/ под.ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – 751 с.

46. Наврузова К.Н., Каримов Н.Ф., Ортиқов У.Д. Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т.: Давр нашриёти, 2012.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

47. Азизов Ш. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлаш методикасини яратиш масалалари. Т. : «Бозор, пул ва кредит», 2008. № 12.

48. Каримов Н. Банк тизими барқарорлигида ташқи назорат ва аудитнинг аҳамияти. Т. : «Бозор, пул ва кредит», 2006. № 1.

49. Каримов Н. Тижорат банклари ички аудити фаолиятида муҳимлик кўрсаткичи. Т. : «Бозор, пул ва кредит», 2006. № 6.

50. Курбонбоев Ж., Рузиев Н. Тижорат банкларида аудитни ривожлантириш. Т. : «Бозор, пул ва кредит», 2007. № 6.

51. “Алоқа банк” АТнинг ҳисоботлари.

52. “Ипотека банк” АТИБнинг ҳисоботлари.

53. “Ahbor Reytng” рейтинг компаниясининг № 30, № 34 таҳлилий шарҳи

VII. Интернет сайтлари

1. <http://www.press-service.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати веб саҳифаси.

2. <http://www.uba.uz> – Ўзбекистон банклари Ассоциацияси веб саҳифаси.

3. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.

4. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

5. www.finance.uz – Молиявий-иқтисодий таҳлил портали.

6. www.ahbor.uz – Ахбор-Рейтинг рейтинг агентли.

7. www.stat.uz – Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитаси